

ISSN 2181-9521

№ 3-son, 2020



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



Наврўз ифори Божийдир!

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мавжуд қийинчилик ва синовларга қарамасдан, ҳаёт давом этади. Бу йил Наврўз айёми хонадонларда, оилавий давраларда кенг нишонланмоқда.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта умид билан ерга уруғ қадамоқда. Худуд ва минтақаларимизда “Дарахт экиб, бог яратамиз, юртимизни янада обод қиламиз”, деган эзгу мақсадда миллионлаб кўчатлар экилмоқда.

Мана шу хосиятли кунда барчамиз йилимиз кутлуг келсин, деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, деб ният қиламиз.

**Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**





*«Ул вақтким, қуёш нуқтаи
эътидоли рубъига таҳвил қилиб
эрди, ул бинода тахт устида ўл-
туруб, адолат сийт ва садосин
оламга мунташир қилди ва ул
куннинг отин Наврўз қўйди.*

*Адолат аро фасли Наврўздек,
Сиёсатда барки жаҳонсўздек.»*
Алишер НАВОИЙ

*«Наврўз ўтмиш замонларда
қуёшнинг саратон буржига ки-
риш пайтига тўғри келар эди.
Сўнгра у орқага сурилгач, баҳорда
келадиган бўлди. Энди у бутун йил
унга хизмат қиладиган бир вақт-
да, яъни баҳор ёмғирининг бирин-
чи томчиси тушишидан гуллар
очилгунча, ҳайвонларда уйғониш
мавсуми бошланишидан то насл
вужудга келгунича давом эт-
ган вақтда келади. Шунинг учун
Наврўз оламнинг бошланиши ва
яратилишига далил қилинган».*

Абу Райхон БЕРУНИЙ



*Қизгалдоқ баргидек учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним.*

Абдулла ОРИПОВ

«ODILLIK MEZONI» илмий-амалий, хукукий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДОРОВ

Акмал МУРОДОВ

Илҳом НАСРИЕВ

Маъруф ТАЖИБОЕВ

Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Гулчехра ГУЛЯМОВА

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори
билан юридик фанлар бўйича диссертациялар
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
27 августда 0972-рақам билан
кайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материал-
лардан фойдаланилганда, манба қайд
этилиши керак.

Босишга 10.03.2020 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ

Буюртма № 12

Адади 2770

Баҳоси келишилган нархда

«Aldin-group» МЧЖ босмаҳонасида
чоп этилди.

Босмаҳона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

Масъулият мезонлари

6-бет

**Мақсадимиз —
одамларни суднинг
одиллигига
ишонтириш**



Тингловчи минбари

11-бет



**Бу даргоҳда
“Судьяни судья
ўқитади”**

Ибрат

13-бет



Аёл бойлик нима?




**Тарих гувоҳ бўлган
буюк ҳукм**

Қиёсий таҳлил


14-бет

**Никохдан
ажратиш
тартиби**



Қонун ва амалиёт

18-бет



**Инсофли
Эгалловчининг
ҳуқуқ ва
манфаатлари**

Тадқиқот, таҳлил

22-бет

**Муаллифлик
ҳуқуқи қандай
ҳимоя қилинади?**



Қун мавзуси

26-бет



**Тараққиёт
кушандаси**

Эксперт фикри

28-бет



Янги давр нафаси

32-бет

Медиация -
тарафларнинг
ихтиёрийлигига
асосланган
конфиденциал жараён



Жараён

34-бет



Менинг фикрим

36-бет

Туғилганликни
қайд этиш:
муаммо ва ечим



Хотира уйғонса, гўзалдир!

37-бет



Мутахассис мулоҳазаси

38-бет

Никох
шартномасининг
афзалликлари



Фуқаролик жамияти

40-бет




Судебная экспертиза

44-бет

Значение производства судебной
психофизиологической экспертизы
при доказывании в юридической
практике Российской Федерации

Экономика и право

46-бет



Важная тема

50-бет

Интернет и
бесконтрольность
пользователей в
условиях пандемии

Анализ специалиста

54-бет



Comparison

59-бет

Misleading Advertising
Regulation in Post
Soviet Countries:
Comparative Analysis of
Uzbekistan and Russia

Let's learn our rights

61-бет



Features of
securing of
a claim in
economic courts



Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
раиси, Ўзбекистонда
хизмат кўрсатган юрист

МАҚСАДИМИЗ — ОДАМЛАРНИ СУДНИНГ ОДИЛЛИГИГА ИШОНТИРИШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасига тақдим этган тарихий Мурожаатномаси туртки бўлиб, қўлимга қалам тутдим.

Ушбу Мурожаатномадаги мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган юксак ташаббус ва ғоялар янги Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Унда мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта мамлакатимиз аҳолиси ўртасидаги камбағаллик бўйича аниқ статистик маълумотлар ошкор этилди. Рақамларга эътибор қилинг: кам таъминланган, аниқроғи аҳолининг камбағал қатлами турли ҳисоб-китобларга кўра, тахминан 12-15 фоизни ташкил этади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “бу ўринда гап кичик рақамлар эмас, балки аҳолиимизнинг 4-5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда”.

Ва энг муҳими, Мурожаатномада камбағалликни камайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар белгилаш ҳақида аниқ вазифалар қўйилди. Бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали муносиб иш жойи билан таъминлаш учун 700 миллион АҚШ доллари жалб қилиниши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари дастурий маърузаларида, кенг жамоатчилик вакиллари билан бўладиган учрашув ва мулоқотларида, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларида жамият ва давлат ҳаётида АДОЛАТни қарор топтириш энг асосий вазифамиз эканлигини бот-бот такрорлайдилар. Ўрни келганда, қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш жоиз. “Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун кўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт”.

Айниқса, Президентимиз суд тизими, унинг мустақиллигини амалда таъминлаш ҳақида гапирганларида адолат тушунчасини алоҳида келтириб ўтадилар.

Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби, ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ, эркин фуқаролик жамияти шароитида адолатни қарор топтириш суд ҳокимияти орқали амалга оширилади.

Мурожаатномада Президентимиз бу борада алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларини айтиб ўтдилар.

**“СУД ОСТОНАСИГА
ҚАДАМ ҚЎЙГАН ҲАР БИР
ИНСОН, ЎЗБЕКИСТОНДА
АДОЛАТ ҲУКМ СУРАЁТГА-
НИГА ТЎЛА ИШОНЧ
ҲОСИЛ ҚИЛИШИ КЕРАК!
АКС ҲОЛДА, БУЮК
НЕМИС ФАЙЛАСУФИ
ИММАНУИЛ КАНТ
АЙТГАНИДЕК,
“АДОЛАТ ЙЎҚОЛГАН
ПАЙТДА, ҲАЁТНИНГ
ҚАДРИНИ БЕЛГИЛАЙ-
ДИГАН БОШҚА
ҲЕЧ НАРСА
ҚОЛМАЙДИ”.**

Суд-ҳуқуқ тизимида қарийб 54 йилдан буён ишлаб келаётган судья, қолаверса, судьялар ҳамжамиятининг органи бўлган Судьялар олий кенгаши раҳбари сифатида Президентимизнинг юқорида келтириб ўтилган, “Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм

сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак” деган фикрлари менга жуда катта масъулият юклади. Президентимизнинг ушбу фикрлари мамлакатимиздаги барча судьялар ва суд тизими ходимлари олдига залворли вазифаларни қўяди. Шунинг унутмаслигимиз керакки, адолатни қарор топтиришда суд ҳокимияти мустақил ва ҳолис бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади”, 112-моддасида эса “Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмайди ва бундай аралашши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади” деб белгиланган.

Бугунги кунда ушбу Конституциявий меъёрларнинг ижроси қандай таъминланмоқда? – деган ҳақли савол тугилади. Эътироф этиш керак, сўнгги уч йилда суд тизимининг шиддат билан демократик тарзда янгиланиши Ўзбекистондаги суд ҳокимияти ривожланишининг янги даврини бошлаб берди. 2016-2020 йилларда амалга оширилаётган тизимли ислохотлар натижасида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимояси кафолатларини кучайтириш ва одил судловга эришиш даражаси ошди. Ўтган қисқа давр ичида замонавий концепцияга асосланган мутлақо янги ягона суд тизими яратилди. Шу тариқа суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципини амалда таъминлаш имконияти вужудга келди.

Шуни ҳам айтишим керакки, мен бир амалиётчи-ҳуқуқшунос сифатида бунга тўла риоя қилинган деб айта олмайман. Шубҳасиз, барчамиз Конституция ва қонунларимиз талабидан келиб чиқиб, суднинг мустақил ва ҳолис бўлишини истаймиз. Судья дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлигини биламиз. Аммо, айрим шахслар айниқса мансабдорлар суд қарори ўзларининг манфаатига мос бўлишини жуда хоҳлайдилар. Агар суд ўша мансабдор шахснинг чиқарган қарорини ёки унинг қонунбузарлик хатти-ҳаракатларига қонуний баҳо бериб, қарши қарор чиқарса, улар ўз мавқеларидан фойдаланиб, қандайдир йўللار билан судьяга таъсир ўтказмоқчи бўладилар. Бундай шахсни ҳуқуқий демо-



кратик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган янги Ўзбекистоннинг мансабдор шахси деб бўладими? Ёки судьяларни айрим мансабдор шахслар томонидан ўзларининг фуқароларни қабул қилиш вақтларида жалб этиб, судьянинг асосий ишларидан қолдириш ҳолатларига нима дейиш керак?

Ҳозирги вақтда судьяга келиб тушган барча ишлар компьютер дастурлари орқали судьяларга, шу жумладан, суд раисларига ҳам баробар тақсимланади. Энди ўйлаб кўринг, суд раиси ҳар куни иш кўриши керак, ишлар тайинланиб, фуқаролар (жабрланувчи, судланувчи, гувоҳлар ва бошқа тарафлар) судга чақирилган пайтда ишни кейинга қолдириб, судья бошқа ишларга жалб қилиниши мумкинми? Минг афсуски, бундай ҳолатлар ҳам бор. Натижада баъзи фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ёки уларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда.

Амалиётда суд ишларига аралашши, судьяларни тааллуқли бўлмаган ишларга жалб этиш, бир сўз билан айтганда, унинг мустақиллигига дахл қиладиган ҳар қандай тўсиқларга чек қўйиш лозимлигини муҳтарам Юртбошимиз қуйидагича таъкидлаб ўтган эдилар: “Судьялар мустақиллигини таъминлаш масаласи бундан буён ҳам шахсан Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун устувор вазифа, суд бирор-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт, суд ишларига аралашган ёки унга қандай шаклда бўлмасин босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим. Давлат идоралари мансабдорлари шуни чуқур англаб олсинлар”.

Ўйлайманки, энди мансабдор шахслар, улар қайси мансабда ишлашидан қатъи назар, мухтарам Президентимизнинг гапларидан тегишли хулоса чиқарадилар, қонун ва суд олдида барчанинг тенглигини эътиборга олган ҳолда судни мустақил ва холислигини таъминлашда ҳамда қонун ва судни ҳурмат қилишдаги Конституциявий бурчларига амал қиладилар. Судга ва судьяларга нисбатан бошқача муносабатда бўлиш ҳам мумкин эмас.

Бундан ташқари, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари ўз аксини топган. Унда шундай талаблар қўйилган: ҳар бир раҳбар, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, қонунийлик, давлат ва жамият манфаатларига содиқлик, адолатлилик, ҳалоллик ва холисликни таъминлашга мажбурлиги, ушбу масалаларда раҳбар қўл остидагиларга ўрнак бўлиши, қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши, давлат хизматчилари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмаслиги, ўзига юклатилган ваколати ва мажбурияти доирасида фаолият юритиши шартлиги кўрсатилган.

Таъкидлаш керакки, том маънодаги демократик ислохотлар амалга оширилаётган бугунги кунда ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари ҳалоллиги, фидойилиги, поклиги, лавозимини виждонан бажариши ўз халқи-

га ва Президентига садоқатини кўрсатиб турадиган асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу ўринда яна бир жиддий масала бўйича фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Конституциямизда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етмасликлари, Конституция ва қонун талабларига риоя этишлари, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга бурчли ва мажбур эканликлари белгиланган.

Ижтимоий ҳаётда ушбу Конституциявий мажбурият ва бурчларимизга тўла амал қиляпмизми, деб ҳар биримиз ўзимизга савол беришимиз керак. Айрим фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишда бузилган ҳуқуқларини ҳимоялашда қонун талабларига риоя қилмасдан, айниқса, суд қарорларидан норози бўлганларида қонунларимиз талабига ва уларга берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, белгиланган тартибда юқори босқич судларига мурожаат қилганларида ҳаддан ташқари шовқин-сурон, оғзига келган гапларни гапириб беҳаёлик билан ўз мақсадларига етмоқчи бўлиб, ҳиссиётга берилиб, бошқа шахсларни, давлат хизматчиси ёки мансабдор шахсларни шахсига тегадиган ўта кўпол гапларни гапириб ишларини ҳал этмоқчи бўладилар. Қолаверса, бундай ноўрин гапларни гапириб андишасизлик қилиш бизнинг урф-одатларимизга (менталитетимизга) тўғри келмаслигини англашимиз лозим деб биламан.

Ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқларимизни босиқлик билан қонунларимиз талабидан келиб чиққан ҳолда тегишлилигига қараб мурожаат қилиш йўли билан ҳал этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шаффоф, очиқ ва эркин замонда ҳуқуқий маданиятимиз юксак бўлиши лозимлиги ҳам бугунги куннинг долзарб масаласи эмасми?

Мамлакатимиз фуқаролари ҳар қандай қонун ва қонуности нормаларини ўқиш ва ундан тўла фойдаланиш имкониятига эгаларку, нега энди биз қонун-қоидаларга эътибор бермасдан, уни бузиб қўйиб кейин сарсон-саргардон бўлишимиз керак. Аслини олганда ким сабабчи, ўзимиз эмасми? Айримларимиз кўлидан ҳеч иш келмайдиган, унинг ваколати доирасига кирмайдиган ишлар бўйича фирибгар-товламачиларга алданиб сарсонгарчиликка сабабчи бўламиз, ҳаттоки уларга ишимни бажариб берар экан деб пора берамиз. Кўзимизни очиб, ақл билан иш

Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

Амир ТЕМУР

қилайлик, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларга ёки судга ишимиз тушганда нега алданиб пора бериш керак, у давлат одами-ку, давлатдан етарли даражада ҳар ой иш ҳақи олади, буни тушуниб етишимиз лозим деб ўйлайман. Бундай кишилар манфаат кўрганларида ҳам қонун доирасида иш қилиб, сизга ёрдам бердим деб алдаётганига наҳотки ақлингиз етмай қолди.

Келинглр, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни бақир-чақирсиз, кимларгадир алданиб, унга манфаат келтиришдан тийилиб, қонун доирасида иш тутайлик ва ўзимизни ҳуқуқий маданият, маърифат ҳамда тегишли савияга эга эканлигимизни билдириб, қонун талабларига риоя қилишни ўрганайлик.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, 2020 йил – Президентимиз томонидан “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Гап шундаки, юқорида келтириб ўтилган, халқимиз орасида учраб турган баъзи бир салбий ёндашувлар илм-маърифатдан узоқ одамларга хосдир. Мухтарам Президентимизнинг илм-маърифатга алоҳида эътибор қаратганлигининг замирида жуда чуқур маъно бор.

Илм-маърифатни ривожлантиришда фақатгина ёшларни билимли, маърифатли қилиб тарбиялаш эмас, балки, бутун жамият аъзоларини илм ва маърифатга ошно қилиш лозимлигига алоҳида урғу қаратди ва куйидаги ғояларни илгари сурди. “Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукамал ва унумли бажарсак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”.

“Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади”.

Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини яхши англаймиз. Ушбу Мурожаатнома ғояларидан келиб чиқиб, унинг ижросини таъминлашдаги Давлат дастурида 2020 йилда барча соҳа раҳбарлари олдида 2019 йилга нисбатан ҳам ишчанлик, фидойилик ва ҳалоллик билан халқимиз манфаати ва фаровонлиги йўлида виждонан ишлаш вазифаси қатъий қилиб қўйилди.



Бу масалада, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз иш фаолиятларини маданиятли тарзда, фақатгина қонунга бўйсунган ҳолда олиб боришда ўта чуқур савияга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва лавозимларга тайинлаш; уларни ҳушмуомалали бўлишларини талаб даражасига етказиш; қонунни бузган ходимларга нисбатан тегишли қонун талабларига мувофиқ зудлик билан чора кўриш; ходимлар фуқаролар билан мулоқотда бўлганларида процессуал қонун талабларига асосан муомалада бўлишини қатъий назорат қилиш ҳар бир идора раҳбарининг Конституциявий бурчи эканлигини унутмаслик;

тергов органлари томонидан ҳақиқатни аниқлашда қўполлик, кўрқитиш, алдаш каби ҳаракатларга мурасасиз бўлишни, ғайриқонуний усулларни қўллаган ходимни ишдан четлаштириш ва тегишли жавобгарликка тортишгача чора кўриш, ҳар бир раҳбарнинг вазифаси бўлиб қолиши керак бўлади.

Қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатни қарор топтиришда судларнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Суд Ўзбекистон давлати номидан қарор қабул қилади. Шундай экан, у куйидаги талабларга қатъий амал қилиши шарт:

судья, судьялик мақомига мос киши бўлиб шаклланиши учун чуқур билимга эга бўлиши, қонунларда ёзилмаган, аммо амал қилиши лозим бўлган инсонийлик фазилатларга ҳам қатъий риоя этиши зарур;

судья қандай масала ҳал қилишидан қатъи назар ҳалоллик, ҳолислик ва қонун устуворлигини таъминлашда адолатли бўлишни ўзига шиор қилиб олиши лозим. Бунинг учун ўз касбининг билимдони, ҳаётий тажрибага эга бўлган, ҳар томонлама етук, савияси баланд ва ҳуқуқий маданиятли шахс бўлиши керак.

Ана шу хислатларни судья ўзидан кидириши, ушбу хислатлар мавжуд бўлса, унга қатъий итоат этиши, мавжуд бўлмаса, уларни эгаллашга киришиши зарур. Судьялик касбига шак келтириш асло мумкин эмас. Бунинг учун, аввало сабр-бардош, шукроналик, ҳақиқий меҳнат ҳисобидан оладиган иш ҳақи эвазига яшашни ўрганиш, бу масалада барча оила аъзолари билан ҳамфикр бўлишлари талаб этилади.

Судья ўз устида тинмай ишлаши, кўп ўқиши, изланиши, фикр юритиши, ҳар кунлик ишни режалаштириши, унинг бажарилишини таъминлашда, ишнинг кўзини билиб ишлашга эришиши; судьялик касбида ишчанлик, хушёрлик, ҳаёт тажрибасини мукамал эгаллаган, тинимсиз ҳаракат, машаққатли меҳнат ва етти ўлчаб, бир кесиш мақолига амал қилиш одат тусига айланмоғи зарур.

Судьялар Президент ва халқнинг ишончига сазовор бўлишлари учун тегишли қонунларда кўрсатилган ваколати ва мажбурияти доирасида, масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз фаолиятини самимият билан беғараз бажаришга қаратиши лозим.

Ҳар қандай ҳолатда ва шароитда ҳам касб маданияти ва одобиға риоя қилишлик ҳар бир судья учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб қолиши шарт. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик устувор бўлиши лозим”.

Иши судга тушган ҳар қандай шахс судьядан фақат ҳақиқат ва адолат кутади.

Шунинг учун судья ўз иш фаолиятида эътиборсизликка ёки таваккалчиликка йўл қўйиши асло мумкин эмас.

Судда ишларни кўришда ҳолислик принципига амал қилиш судьянинг қонуний бурчи ҳисобланади. Қайси ишда ҳолислик бўлмаса, ўша иш адолатли ҳал этилмайди. Бунинг учун судья камтарин, иродали, меҳр-шафқатли, инсонпарвар ва мукамал ҳуқуқий маданият эгаси бўлиши талаб этилади. Меҳр-шафқат бўлмаган жойда адолат ҳам бўлмайди.

Фикр-мулоҳазаларимни хулоса қилиб, барча фуқаролар давлат хизматчилари, айниқса, мансабдор, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари, қолаверса, суд тизимида ишловчиларни қуйидаги ҳикматли гапларга яна бир эътиборларини қаратишни ҳам маъқул деб топдим:

яхшилик қилишни беғараз қилмоқ ва қилинган яхшиликнинг эвазига бирор-бир яхшилик келишини кутиб қилмаслик;

камтарлик, ҳолислик, бировни жазолашга шошилмаслик;

Қонунни ҳурмат қилиб, адолатни қарор топтириш. Бу сўзларнинг амалда бажарилиши – ўз халқи ва ватанини севиши билан баробардир.

Адолат йўлида фидокорлик кўрсатмаган кишини ватанпарвар деб бўлмайди.

Тўқликда очликни, улуғликда хорликни, шодликда ғурбатни эсдан чиқармаслик керак.

Ёмонликни заррача бўлса-да қилмаслик, заррача бўлса-да яхшилик қилишдан эринмаслик.

Ҳар биримиз кимлигимизни, қандай ваколатга эга эканлигимизни, халқимиз фаровонлиги учун масъул эканлигимизни чуқур англашимиз лозим.

Алишер Навоий бобомизнинг “Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам” деган ҳикматли сўзларини асло унутмаслигимиз керак.

Киши, ким бўлишдан қатъи назар, мансабдорми, оддий фуқароми унинг тили ва дили бир бўлмаса, у яхши инсон бўла олмади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг барчамиз учун ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бебаҳо сатрларидан бирини келтирмоқчиман:

*“Ҳар кимки вафо қилса, вафо топгусидир!
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топгусидир!
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса (нотўғри иш қилса)
жазо топгусидир”.*

Бу сўзлар барчамизга тааллуқлидир!



БУ ДАРГОҲДА “СУДЬЯНИ СУДЬЯ ЎҚИТАДИ”

ёхуд Судьялар олий мактабида олган таассуротларим



Азиз САФАРОВ,
Ромитан туман-
лараро иқтисодий
суди раиси

Судьялик лавозимига тайинланганимга ҳали кўп бўлмади. Тизимда ишлаётган бошқа ҳамкасбларим қатори илгари ҳам малака ошириш курсларида таҳсил олганман. Режага асосан 2020 йилнинг 17-29 февраль кунлари Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида малака ошириш курсларида ўқишим кераклигидан хабар топганимда, “пойтахтда икки ҳафта мазза қилиб, ўқиб келар эканман”, деб хурсанд бўлдим.

Илгари борган малака ошириш курсларимиз доимо умумий талаблар асосида, назарий билимларни оширишга қаратилган бўлиб, амалиёт қисми ҳаминқадар эди. Шу боис Судьялар олий мактабига “амалиётда жавоби қийнаган бир-иккита саволларга жавоб топармиканман?”, деган ўй-хаёлларда кириб келдим.

Судьялар олий мактабидаги барча дарслар очик мулоқот, савол-жавоб тарзида ўтказилиши, илмий даража ва унвонга эга бўлган, амалиётда судья бўлиб ишлаган ва ишлаётган ўқитувчилар дарс бериши даров киши эътиборини тортади.

Судьялар олий мактабида “Судьяни судья ўқитади” тамойили асосида иш олиб борилади. Бу эса, ўз ўрнида ёш, лавозимга илк бора тайинланган судьяларга устоз судьяларнинг ўз амалиётларидан келиб чиққан ҳолда дарс ўтишларини таъминлайди. Халқимизда “Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб”, деган ажойиб мақол бор. Бу мақолни шу ўринда қўллаш ҳеч бир муболагага сабаб бўлмаса керак.

Судьялар олий мактабидаги муҳитнинг ўзиёқ одамга хушқайфият бағишлайди. Келган кунимиз Судьялар олий мактаби директори ўринбосари, юридик фанлар доктори К. Синдоров, Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси мудир, юридик фанлар номзоди М. Қаландарова, кафедра доценти У. Сайдахмедов бизни кутиб олиб, дарслар бўлиб ўтадиган аудитория, мактабдаги тартиб-қоида билан таништиришди. Улар судья бўлиб ишлаган даврлари тўғрисида сўзлаб бериб, ўқишимизга муваффақият тилашди.

Судьялар олий мактабидаги ўқиш жараёнининг ўзини алоҳида бир мақола қилса арзигулик. Ихтисослигимиз бўйича ўтилган дарслардан ташқари судьяни касбга тайёрлаш, унда зарурий касбий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган дарслар менда жуда яхши таассурот қолдирди. Боиси, судья ҳам оддий инсон бўлиши билан бир қаторда, аввало у одил судловни амалга оширадиган шахс ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбирлари билан айтадиган бўлсак, судга келадиган ҳар бир одам унинг адолатли, беғараз, холис ва фақатгина қонунга бўйсунган ҳолда иш олиб боришига имони комил бўлиши лозим. Бу ўринда судьяда касбий кўникмаларни шакллантириш, турли ҳолатларда ўзини тутиш, фуқаролар билан муомала қилиш, турли низоли ҳолатлардан тўғри чиқиб кета олиш, стресс ҳолатига тушганда ҳам ўзининг судьялик олий мақомига ҳос ва мос равишда ҳаракат қилишнинг ўргатилиши илгари ўтилган малака ошириш курсларидан тубдан фарқ қилади. Бу ерда жиддий ва муҳим ўзгаришлар кўп.

Айниқса, мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган демократик ислохотлар натижасида қабул қилинаётган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий аҳамияти тажрибали ҳуқуқшунос олимлар томонидан шарҳлаб, тушунтириб берилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир дарс машғулотни янгича ёндашув асосида ўтказилди. Машғулотлар фақатгина маърузалардан иборат эмас, балки ҳар бир мавзу бўйича кўплаб маълумотлар акс этган



жозибали слайдлар тақдим этилди. Мавзу юзасидан мустақил фикрлашимиз учун кейс-стадилар, мантикий мушоҳада юри-тишга ундовчи жумбоқли масалалар ўртага ташланди.

Масалан, Ўзбекистон психологлар асо-циацияси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти бўлими раҳбари Ш. Исокова бизга вақтни, стрессни бошқариш, низоларнинг келиб чиқиши ва уларнинг олдини олиш, ҳал қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар тўғрисида дарс ўтди. Дарс жараёнида биз ўзимиз психологияни суд жараёнида қўллашга оид анча фойдали маслаҳатлар олдик.

Судьянинг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш кўникмасини ошириш тўғрисидаги дарсларимизда бизга интервью беришда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, онлайн савол-жавобларда ўзини тутиш, мақола ёзишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар билан “Odillik mezonlari” журнали таҳририяти бош муҳаррири А. Эшмуродов таништирди. Мазкур мақолани ёзишимга ҳам аслида шу инсон сабабчи. Боиси олинган билим ва таассуротларни ўртоқлашиб, уларни оммага етказиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Судьялар олий мактабининг Касбий кўникмалар кафедраси мудир, юридик фанлар номзоди Н. Қурбонов суд этикаси тўғрисида маъруза қилган бўлса, Судьялар олий кенгаши аъзоси, юридик фанлар номзоди М. Аҳмедов “Судьялар одоб-ахлоқ кодекси”-нинг мазмун-моҳияти ва бу борадаги хорижий мамлакатлар тажрибаси, судьялик мақомига эга бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳаётда ўзини тутиши ва бошқа жиҳатлари бўйича батафсил тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари Қ. Комилов, И.Тожиев, С. Раҳмонов, Бухоро вилоят иқтисодий суди раиси М. Саидов ихтисослашувимиз бўйича корпоратив битимлар билан боғлиқ низоларни, банкротлик тўғрисидаги ишларни, суғурта шартномасига оид муаммоларни ҳал қилиш тартиби ва унинг эътиборга молик жиҳатлари тўғрисида амалиётда қўрилган ишларни мисол қилиб, тушунчамизни янада бойитишди.

Дарс ўтилиши билан бир қаторда ўз амалиётимиздан ҳам фойдаландик. Аниқроғи, кўргазмавий суд мажлислари ўтказиб, унда турли ностандарт ҳолатлар, вазиятларни сунъий юзага келтирдик. Мазкур ҳолат амалиётда рўй берса, қандай йўл тутиш лозимлиги ва қандай ҳолатларда қайси қонун ва қонуности ҳужжатларига таянган ҳолда иш кўриш кераклиги тўғрисида, амалиётда бўлган воқеаларни сўзлаб бериб, ушбу ҳолатда қандай йўл тутганлигимиз юзасидан фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашдик.

Эндигина ташкил топганлигига бир йил бўлган Судьялар олий мактабининг ўқув аудиториялари замонавий интерактив услубда дарс ўтишга мўлжалланган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, юқори тезликдаги интернет тармоғига уланган, юридик ва бадиий адабиётларга бой кутубхонаси мавжуд. Дарсдан ташқари турли оммавий тадбирлар уюштирилиб, театр, кўргазмаларга ҳам бориш йўлга қўйилган. Бу эса кишининг нафақат билим, балки маънавий жиҳатдан ҳам ўсишига тўғридан-тўғри сабаб бўлади.

Мактабда малака оширишга сарфлаган икки ҳафталик вақтимнинг бирор соатига ачинмадим, десам ҳеч адашмайман. Авваламбор, мазкур малака ошириш курслари илгари ўқиган курсларимизга нисбатан анча юқори савияда ташкил этилган. Судьялар олий мактаби фаолияти бошланганига у қадар кўп вақт бўлмаган бўлса-да, ушбу илмий таълим муассасадаги устозлар ўз соҳасининг билимдони эканлигини алоҳида таъкидлашим лозим. Мактабда ташкил этилган малака ошириш курслари ҳам судьянинг судьялик мақомига мос бўлишига, унинг касбий кўникмаларининг оширилишига қаратилган.

Сўнгсўз ўрнида

Судьялар олий мактабининг барча жамоаси, профессор-ўқитувчилари, бизга таълим берган амалиётчи судьялар, умуман барча-барчага чуқур эҳтиром билдирган ҳолда бирга ўқиган барча курсдошларимиз номидан ўз миннатдорчилигимни изҳор этаман!

АСЛ БОЙЛИК НИМА?

Фақир киши Жаноби Ҳаққа нолий бошлабди: «Эй Яратган эгам, нега мени бошқа бандаларингдан кам кўрдинг, ризқимни кам қилиб яратдинг?!» Унинг бу гапларини бир йўловчи эшитиб қолибди ва сўрабди: «Биродар, тинчликми? Нимадан норизосан?!» Шунда ҳалиги киши: «Аллоҳ менга кўп ризқ ато этмади, тинмай меҳнат қиламан, бироқ фақирликдан чиқиб кета олма-япман!» Йўловчи бир оз ўйланиб тургач дебди: «Майли, сенга беш минг тилла бераман, эвазига битта кўзингдан воз кечасан!» Фақир қаттиқ кўрқиб кетиб, икки қадам орқага чекинибди: «Эсинг борми? Қандай қилиб беш минг эвазига кўзимдан воз кечишим мумкин?!» Йўловчи савдолашишида давом этибди: «Унда битта кўлинг-ни берақол. Ўн минг танга бераман? «Бўлмайди, – жаҳллана бошлабди фақир, – юз минг берсанг ҳам кўлимни бермайман!» «Майли, ундай бўлса,



шу ўн мингга битта бармогингни бер!» – уни ҳоли-жонига қўймабди йўловчи. «Нега бармогимни сотарканман?! Бутун дунёнинг молига алмашмайман бармогимни!» Унинг бу гапини эшитган йўловчи мақсадга кўча қолибди: «Эй ношукр банда, унда нега нолияпсан? Аллоҳ сенга қанча бойлик берганини кўрмайпсанми? Тўрт мучанг соғ, ақлу ҳушинг жойида. Сен эса, фақирликдан нолиб ўтирибсан. Аллоҳ берган шунча неъматга шукр қилиш керак эмасми?!»

ТАРИХ ГУВОҲ БЎЛГАН БУЮК ҲУКМ

Маҳкама. Қотиб йигит кўмондонни чақирди. Кўмондон бош коҳин билан бирга қозининг олдида кирди.

Қози: «Ҳа, самарқандлик, даъвойинг нима?»

Бош коҳин: «Кўмондонингиз бизни босиб олди, Исломга чақириб, биз ўз ишимизни ўйлаб олишимиз учун муҳлат бермади».

Қози кўмондонга қараб деди: «Бунга нима дейсан, эй кўмондон?»

Кўмондон: «Уруш ҳийладир. Бу улкан шаҳар. Атрофдаги шаҳарларда жанг қилдик, улар на Исломга киришди, на жизяни қабул қилишди».

Қози: «Эй кўмондон, уларни Илом, жизя ёки урушга чақирдингми?»

Кўмондон: «Йўқ, айтган сабабларимга кўра устларига босиб кирдик, холос».

Қози: «Ўйлайманки, иқрор бўлдинг. Жавобгар иқрор бўлса, ҳукм битади. Эй кўмондон, Аллоҳ бу умматга дин билан алдовдан сақланиб, адолатни барпо қилиш билангина нусрат берган».

Кейин қози шундай деди: «Ҳукм шундай: барча мусулмонлар — ҳокиму аскарлари, эркагу аёл, бола-чақалари ҳаммаси Самарқанд еридан чиқиб кетишсин! Дўкону ҳовлилар тарк қилинсин! Самарқандда бирор киши қолмасин. Мусулмонлар бундан кейин уларга бошидан огоҳлантирув берадилар!»

Коҳинлар кўрган-эшитганларига ишонмай қолишди. Гувоҳ ҳам, далил ҳам сўралмади. Муҳокама ҳам бир неча дақиқада тугади. Улар олдиларидан қози, йигит ва кўмондоннинг қайтиб ўтиб кетишганини ҳам билмай қолишди.

Бир пайт Самарқанд аҳли шовқин-сурон кўтарилганини, тўс-тўполонни эшитишди. Ҳамма ёқ чанг-тўзон, ҳаводаги губорлар остида байроқлар ҳилпирар эди. Улар нима бўлаётганини сўрашган эди, «Ҳукм ижро қилинди», деган жавоб бўлди.

Ўша кун, кун ботиши билан Самарқанднинг бўшаб қолган кўчаларида итлар сайр қила бошлади. Ҳар уйдан йиги эшитиларди. Улар ўз юртдошларидан ҳам шафқатли, адолатли бу халқнинг шаҳарни ташлаб чиқиб кетганига йиглашарди.

Самарқандликлар, ҳатто коҳинлар ҳам ўзларини тутиб тура олмай, бир неча соат ичида тўпланиб, кўп гуруҳ бўлиб қўшин томон чиқишди. Бош коҳин энг олдида. Ҳаммалари баробарига «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир», деб гувоҳлик беришарди.

Ўша кўмондон Қутайба ибн Муслим, қози эса Умар ибн Абдулазиз эди!



«Ислом тарихидан ҳикоялар» китоби асосида тайёрланди.



**Махлиё
УСМОНОВА,**

Фуқаролик ишлари
бўйича Фаргона
туманлараро суди
девонхона мудир,
мустақил
изланувчи

НИКОҲДАН АЖРАТИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон ва Япония тажрибаси мисолида

Ҳар қандай ижтимоий муносабатлар бир маромда, бенуқсон давом этавермайди. Хусусан, жамиятимизда қурилаётган оилаларнинг ҳаммаси ҳам мустаҳкам бўлмайди. “Никоҳдан ажратиш” тушунчаси қонун нормалари билан тартибга солинувчи мана шундай муҳим ижтимоий муносабатлардан бири ҳисобланади.

“Ажрим”, “никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш” ва “никоҳдан ажратиш” тушунчаларини ва уларнинг ҳуқуқий табиатини фарқлай олиш лозим. Сабаби, ҳар учала юридик атамаларнинг маъноси бир хил туюлгани билан ҳуқуқий оқибати турличадир.

Ажрим – эр ва хотиннинг турмуши бузилганлигини ифодаловчи тушунча бўлиб, қоида тариқасида эр ва хотин ўртасидаги қонуний никоҳнинг бекор қилинишини англатади. Лекин, ҳуқуқий характер касб этмайди.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш – фақат суд тартибида амалга оширилади. Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади¹. Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун Оила кодексига белгиланган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди².

Никоҳдан ажратиш – қонуний тартибда никоҳдан ўтган эр ва хотиннинг суд ёки никоҳдан ажратиш ваколатига эга бўлган бошқа орган томонидан қонуний тартибда ўтган никоҳнинг бекор қилиниши ҳисобланади. Яъни, никоҳ бекор қилинган кундан кейин ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи ижтимоий муносабат.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш оқибатлари никоҳдан ажралиш ҳуқуқий оқибатларидан жиддий фарқ қилади. Ҳақиқий бўлган никоҳдагилар никоҳдан ажратил-

ганларидан сўнг никоҳнинг умри тугайди. Умумий қоидага биноан ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун Оила кодексига назарда тутилган шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Алоҳида айтиб ўтиш жоизки, никоҳдан ажратиш ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топишдан ташқари, никоҳнинг тугатилиши тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида никоҳ тугайди.

Никоҳдан ажратиш ФХДЁ органлари ёки суд тартибида амалга оширилади. Ҳар иккала жараёнда ҳам тегишли ФХДЁ органларида тузилган никоҳ ушбу органларнинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги ҳужжати қабул қилинган кундан бекор қилинган ҳисобланади.

Оила муносабатлари билан боғлиқ суд амалиётини қиёсий таҳлил сифатида Япония давлати тажрибаси мисолида таққосласак, бир қатор фарқли жиҳатларини қуйидагича солиштириш мумкин.

Японияда никоҳдан ажралишнинг 3 тури мавжуд:

тарафларнинг ўзаро розилиги асосида ажралиш,

оилавий низоларни ҳал қилувчи суднинг (Оила судининг) аралашуви асосида ҳакамлик судида амалга оширилган никоҳдан ажралиш,

суд орқали ажралиш.

Агар ҳар иккала томон никоҳдан ажралишга рози бўлса, Япония қонунларида асосан амалга оширилади. Аммо, никоҳдан



ажралиш вақтида тарафлардан бири бошқа давлат фуқароси бўлса, Японияда амалга оширилган никоҳдан ажралиш ҳақидаги ҳужжатнинг бошқа давлатда амал қилиш қилмаслиги ўша давлатнинг ички қонунларига боғлиқ.

Агар эр ва хотиндан бири Япония фуқароси бўлса ва ушбу Япония фуқароси бошқа давлат фуқароси билан никоҳдан ажралишни хоҳласа, ўз ихтиёри билан никоҳдан ажралиш ҳақидаги хабарнома билан маъмурий органга (ҳокимиятга) мурожаат қилади. Мазкур ҳолатда никоҳдан ажралиш ҳақидаги хабарнома тан олинади ва Япония фуқароси никоҳдан ажратилган ҳисобланади. Бординю, чет эл фуқароси Япония фуқароси билан никоҳдан ажралишга рози бўлмаса, никоҳ рўйхатдан ўтган жойдаги маъмурий органга ёки турмуш ўртоғи ҳисобланган Япония фуқаросининг яшаш жойидаги маъмурий органга никоҳдан ажратиш ҳақидаги хабарномани тан олмаслик ҳақидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Агар эр-хотиндан бири ажралиш тўғрисидаги хабарномани рад этиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилган бўлса, у ҳолда ушбу ариза хотин (эр) томонидан қайтариб олинганга қадар ажралиш тўғрисидаги хабарнома кўриб чиқишга қабул қилинмайди.

Японияда ички оилавий низолар ва мунозараларни махсус ташкил этилган давлат органи – Оила суди кўриб, ҳал қилади. Оила суди ўз қарорини Японияда ягона оилавий муаммоларни тартибга солишга қаратилган Япония фуқаролик кодекси ва Оила регистри ҳақидаги қонунга таянган ҳолда чиқаради. Ўзбекистон Республикасида эса оилавий низолар тааллуқлилиги бўйича

фуқаролик судларида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Япония қонунларига кўра, агар эр ва хотиннинг 20 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлса, ота ёки онадан бири васий эканлиги масаласи ҳал қилинмагунига қадар никоҳдан ажралиш ҳақидаги хабарномаси қабул қилинмайди.

Никоҳдан ажрашгандан сўнг 300 кун муддат ичида туғилган бола учун қоида тариқасида никоҳда бўлган эр ота ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси Оила кодекснинг 60-моддаси 2-қисми: аёлниң никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг ўлими, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.)

Японияда оила низолари, хусусан никоҳдан ажратиш билан боғлиқ муносабатлар Япониянинг Фуқаролик кодекси орқали тартибга солинади ва ҳал этилади. Ушбу мамлакатдан фарқли равишда, Ўзбекистонда оила ва никоҳ муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари” билан тартибга солинади.

Шунингдек, миллий қонунчилигимизнинг Япония қонунчилигидан фарқли жиҳати куйида келтирилаётган қоидада акс этган: Ўзбекистон Оила кодексининг 39-моддасига кўра хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга ҳақли эмас. Ушбу норманинڭ ўрнатилиши-

дан мақсад, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, келгусида оилани тиклаш чораларини кўришдан иборат. Япония қонунчилигида эса бундай чекловлар ўрнатилмаган.

Никоҳ бекор қилингандан сўнг, унинг амалда бекор қилинганлик фактини белгилловчи вақтига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Никоҳ тегишли ФХДЁ органида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади. Агар никоҳ суд тартибида бекор қилинса, суд қарори қонуний кучга кирган кундан никоҳ амалда тугайди. Никоҳнинг бекор қилиниш вақти муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, никоҳ бекор қилинган кундан бошлаб эр ва хотин ўртасидаги шахсий ва мулкӣ ҳуқуқӣ муносабатлар тугайди ва янги ҳуқуқ ва мажбуриятлар пайдо бўлади.

Японияда эр ва хотин никоҳдан ажрашгач уларга ажрашганлик ҳақидаги гувоҳнома берилади. Ушбу гувоҳнома ҳар бир тарафга бир нусхадан берилади.

Японияда ҳам ажрашганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилган ёки суд қарори қонуний кучга кирган кундан никоҳ бекор қилинган ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳамда Япониянинг никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришдаги тартиб-қоидаларда бир қатор фарқли жихатлар мавжуд бўлишига қарамай, Ўзбекистон ва Японияда эр-хотинни яраштириш учун муҳлат берилиши ва никоҳдан ажрашгач фамилияни ўзгартириш билан боғлиқ ҳуқуқнинг мавжудлиги иккала давлатдаги қонунчилик амалиётининг ўхшаш жихатлари десак ўринли бўлади.

Суд никоҳдан ажратиш ишларини кўришда имкон қадар оилани сақлаб қолиш, фарзандларнинг келгуси ҳаёти ва тарбияси, уларнинг руҳий ҳолатини инобатга олиб оилани тиклаш чораларини кўришга ҳаракат қилади.

Шу мақсадда, суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари, вақтинчалик келишмовчилик ва бошқалар) аниқланганда, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ва Оила кодекси 40-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, Оила кодексининг 218-моддаси талабларини инобатга олган ҳолда ярашиш учун бериладиган муҳлат уч ойдан кам бўлиши самарасиз ҳисобланади. Эр-хотинни яраштириш мақсадида олти ойлик муҳлат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкин.

Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади. Бунда эр ва хотин узоқ муддатдан буён бирга яшамаслиги, бошқа оила куриб яшаётганлиги, улар ўртасида бир-бирига бўлган ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш каби эр-хотинлик муносабатлари батамом тугаганлиги, эрнинг (хотиннинг) ои-





лани барбод бўлишига олиб келувчи ҳаракатлар содир этиши, сурункали жанжаллар натижасида болаларнинг руҳияти бузилиши ва уларнинг келажагига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳолатлари инобатга олиниб, судлар никоҳдан ажратишни мақсадга мувофиқ деб топади.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро суди томонидан 2019 йил 20 сентябрда кўриб тамомланган даъвогар У.М. нинг жавобгар У.Ф. га нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик иши кўриб чиқилган. Суд мажлисида давогар У.М. қуйидагича тушунтириш берган: жавобгар билан 1981 йил 13 августда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурган, турмушлари давомида икки нафар фарзанди бўлган, 1988 йилдан буён бирга яшамаганлигини эътиборга олиб, суддан ярашиш учун муҳлат бермасликни, ўртада мулкий низо йўқлигини билдириб, даъвони қаноатлантиришни сўраган.

Ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида суд томонидан эр ва хотин ўртасидаги никоҳдан ажратиш масаласи уларнинг яшаш жойида, яъни маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр суд мажлиси ўтказилган. Ушбу сайёр судда гувоҳ сифатида жалб қилинган жавобгар укасининг хотини У.У. ўз тушунтиришида даъвогар жавобгар билан 32 йилдан буён бирга яшамаслигини, жавобгар 1989 йилдан буён руҳий касалликлар шифохонасида даволаниб келишини, уларнинг оиласи тикланмаслигини, ўрталарида мулкий низо йўқлигини билдирган. Фарғона шаҳар ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси томонидан даъвогар У.М. нинг жавобгар У.Ф. билан оиласини тиклаш имкони йўқлигини тасдиқлаб

хулосалар тақдим этилган. Бундан ташқари, суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имкониёт йўқ деб топган.

Суд иш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни ўрганиб, даъвогарнинг тушунтиришларини тинглаб, даъво қўзғатилишига асос бўлган ҳақиқий ҳолатларни текшириб, даъвони қаноатлантиришни лозим топган.

Суд никоҳдан ажратиш лозим деб топилган ҳолатда ҳам, шунингдек никоҳдан ажратиш рад этилган вазиятда ҳам эр ва хотин ўртасида агар фарзандлари бўлса, аввало уларнинг таъминоти масалалари, ота-онаси томонидан тарбияланиши, манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши, ота ва она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқи, ота ва онасининг ғамхўрлигидан фойдаланиши лозимлигини эр ва хотинга тўлиқ тушунтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 55-моддаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 56-моддаси.
3. "Оила кодексига шарҳлар". Т. Адолат-2000. 110-б.
4. Япония фуқаролик кодекси 772-моддаси.
5. Types of Divorce in Japan [Electronic resource] // Japan Children's Rights Network. — URL: http://www.crnjapan.net/The_Japan_Childrens_Rights_Network/div-types.html.
6. Summary dissolution of marriage in Ohio: The simple divorce Electronic resource] // DevorceNet. — URL: <http://www.devorcenet/states/ohio/ohart04>.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 06-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 15-банди.
8. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 41-моддаси.



**Қамбариддин
МЕҲМОНОВ,**

юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори,
ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи
кафедраси доценти в.б.

ИНСОФЛИ ЭГАЛЛОВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ

У қандай таъминланиши керак?

Сўнгги йилларда судларда олди-сотди битимини ҳақиқий эмас деб топиш, битим оқибатларини қўллаш тўғрисида даъволар кўпайиб бормоқда. Ушбу ҳолат олди-сотди шарт-номасининг алоҳида турлари – кўчмас мулк ва транспорт воситалари бўйича мулкни сотиш ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан олди-сотди қилиш, қалбаки битим тузиш билан боғлиқ.

Масалан, мулкнинг дастлабки эгасига қарашли эканлиги суд томонидан аниқланса, инсофли эгалловчидан мол-мулкни олиб, гарчи инсофли эгалловчи номига расмийлаштирилган ва у давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса ҳам, уни қонуний, яъни дастлабки эгасига қайтариб бериш ҳақида қарор қабул қилинади. Аксарият ҳолларда мулкни инсофли эгалловчига сотган шахсни эса топиб бўлмайди, топилган тақдирда ҳам унинг номида ҳеч қандай мол-мулк ёки олган пулини қайтариб беришга шароити йўқ бўлади. Оқибатда, инсофли эгалловчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имконсиз бўлиб чиқади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсофли эгалловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш асослари ва механизмнинг мавжуд эмаслиги, уларнинг мулк ва бошқа ашёвий ҳуқуқларининг кафолатланмасли-

ги амалиётда қатор муаммоларга сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, Фуқаролик кодексидаги эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатни ҳисоблашда (ФКнинг 187-моддаси) дастлаб умумий даъво муддати тамом бўлгандан кейин ўта бошлаши ҳақидаги қоида ҳам инсофли эгалловчининг манфаатларига зид бўлиб қолмоқда.

Инсофли эгалловчи тўғрисидаги умумий қоидалар Фуқаролик кодексида, айрим жиҳатлари эса “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги Қонунда белгиланган. Фуқаролик кодексидаги қоида (ФКнинг 229-моддаси) инсофли эгалловчи барча ҳолатларда мулкнинг қонуний эгаси эмаслигини кўрсатади. Иккинчи қонун билан эса инсофли эгалловчи маданий бойликларни қонуний мулкдорига қайтарганда компенсация тўланиши мустаҳкамланган. Лекин, мазкур икки қонундаги қоидалар ҳам инсофли эгалловчининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни кафолатламайди.

Инсофли эгалловчининг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашда иккита жиҳатга эътибор қаратиш зарур: рўйхатдан ўтказилган ва ўтказилмаган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш.

Бугунги кунда бу ҳар иккала ҳолатда ҳам инсофли эгалловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш долзарбдир. Дастлаб рўйхатдан ўтказилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга эътибор қаратамиз.

Ҳар қандай ҳуқуқий механизм, албатта, қонун ҳужжатига асосланади. Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики, инсофли эгалловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деярли имконсиз бўлиб чиқади. Бу борадаги бўшлиқлар ва баёний тусга эга бўлган





нормалар инсофли эгалловчи ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаб бермайди.

Юртимизда кўчмас мулкка доир ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотлар Реестрга фақат давлат нотариал идорасининг талабномасига асосан электрон шаклдаги кадастр паспорти тайёрланганидан кейин нотариуслар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳуқуқ эгасини ўзгартириш шаклида киритилади ва бир вақтнинг ўзида Реестрдан кўчирма берилади.

Ушбу қарор кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказишда ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш, ортқча сансоларликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур соҳага ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш шартномавий муносабатлар барқарорлигига хизмат қилиши зарур. Бу кўчмас мулк билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширувчи барча ташкилотлар, жумладан, коммунал хизмат, солиқ инспекцияси ва бошқа ташкилотлар билан интеграция тармоғини яратиш ва уни қўллашни тақазо этади. Мазкур тизим турли суиистеъмолликлардан ҳимоя қилинган бўлиши керак.

Инсофли эгалловчи – харидор, олди-сотди битимини тузишдан олдин ушбу мол-мулкнинг олдинги ўтмиши, бу борада низо йўқлиги ёки уни ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлигига имкони борица эътибор қаратиши лозим.

Бу борада хизмат кўрсатувчи риэлторлик компаниялари ҳам инсофли эгалловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини кафолатламайди. Ушбу компаниялар муайян жавобгарликка тортилиши ёки харидор харажатларини қоплатиш учун шартнома бўйича хавф-хатарни зиммасига олиши ёхуд харидор ва компания ўртасидаги мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик юзага келиши зарур. Амалда эса инсофли эгалловчи битимни ҳақиқий эмаслиги оқибати юзасидан ушбу компанияларга ҳеч қандай эътироз қила олмайди.

Риэлторлик компанияларининг хизмати фақатгина шартномани нотариал тартибда расмийлаштириш учун ҳужжатлар йиғиш, мижоз ва харидорни келиштириб, ўзининг хизмат ҳақини олиш билан чегараланади. Улар томонидан битимни ҳақиқий саналиши учун ҳеч қандай низо йўқлиги ҳамда вужудга келиши ҳам мумкин эмаслиги ва қонунийлиги таъминланганлиги борасида бирон бир кафолат берилиши кузатилмайди. Ҳаттоки, риэлторлик компаниялари истаганида ҳам битимнинг ҳақиқийлигига, келгусида ҳеч қандай низо бўлмаслигига кафолат бера олмайди. Инсофли эгалловчи эса мол-мулксиз ва пул маблағисиз қолиб кетиши мумкин.

Инсофли эгалловчи дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарни баҳолаш учун сотувчининг битим объектига доир ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлари юридик экспертизадан ўтказилади. Бу борада мол-мулкка нисбатан ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат қандай тартибда олинганлиги – мерос, олди-сотди ва бошқа мавжуд ҳуқуқлар ҳамда чекловлар ҳақида ўрганиш талаб этилади.

Бу борада А. Гиновкернинг фикрича, кўчмас мулкни ҳар томонлама текшириш келгусида юз бериши мумкин бўлган муаммодан ҳимоя қилади. Агар илгари тузилган

битимда учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бузилган бўлса, инсофли эгалловчи учун ноқулай оқибатлар юзага келиши мумкин¹.

Фикримизча, юқоридаги текшириш ҳам инсофли эгалловчи ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни кафолатламайди. Харидор одатда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигига эътибор қаратиш билан чекланади. Унинг ўтмиши қандай бўлишидан қатъи назар, амалда қонун нуқтаи назаридан мулк ҳуқуқи сотувчига тегишли бўлади. Бунда харидор – инсофли эгалловчи ушбу мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказилганлигига таянади ва унинг тўғрилигига ишониб олди-сотди битимини тузади.

Хорижий мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Франция, Швеция, Германия тажрибаси шуни кўрсатадики, кўчмас мулкни сотишга оид битимда қатнашувчи томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний кафолатланиш асослари, тартиби ва механизмлари мавжуд. Инсофли эгалловчидан мулкни олиб қўйиш мумкин эмаслигига оид қоидалар Грузия Фуқаролик кодексининг 187-моддасида, Германия Фуқаролик кодексининг 932-моддасида, Туркменистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 186-моддасида назарда тутилган. Россия Федерациясининг 2019 йил 10 декабрдаги №430 қонуни² билан Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали инсофли эгалловчи ҳуқуқлари ҳимояси жорий этилган.

Суд амалиёти шуни кўрсатадики, фуқаролар уй-жойга нисбатан амалга оширилган шартномани қонунда назарда тутилган тартибда расмийлаштирмайди. Баъзида ишончнома, бошқа ҳолатда уй-жой ҳужжатларини олиш ёки мол-мулкка нисбатан

амалда фойдаланиш имкониятини қўлга киритишнинг ўзи етарли, деб нотўғри фикрга боради. Бу эса, келгусида инсофли эгалловчи ва мулкдор ўртасида низони юзага келтиради. Натижада фуқаролик ишлари бўйича суд ёки маъмурий суд орқали ҳуқуқларни ҳимоя қилиш зарурати юзага келади.

Инсофли эгалловчининг рўйхатдан ўтказилмаган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш алоҳида долзарблик касб этади. Бунда одатда, инсофли эгалловчи расман бошқа шахсга тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан эгалик қилади. Бундай эгалик ҳалол, ошқора, узлуксиз амалга оширилиши талаб қилинади (ФКнинг 187-моддаси). Асосийси, дастлабки мулкдор ва мол-мулк ўртасида юридик алоқанинг бузилиши талаб қилинади. Одатда, бундай мол-мулкнинг мулкдори бўлиб давлат ҳисобланмайди. Чунки, давлат ва мол-мулк ўртасида доимо юридик алоқа мавжуд бўлади.


Фуқаролик қонун ҳужжатларида инсофли эгалловчи ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир нормаларнинг етарли эмаслиги, мол-мулкнинг давлат рўйхатидан ўтказиш тизимида, қонун инсофли эгалловчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишига бўлган ишончнинг йўқолишига олиб келади. Хорижий инвесторлар ҳам, асосан, инвестицияларни кўчмас мулкка киритади. Барча шартномалар қонун талаб қилган шаклда амалга оширилган бўлишига қарамасдан, турли низоларнинг келиб чиқиши, ҳаттоки, давлат рўйхатидан ўтказилган шартномани, кўчмас мулкка нисбатан хусусий мулк ҳуқуқини ҳам бекор бўлишига олиб келиши инвесторни чўчитади ва келгусида инвестиция киритишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хорижий давлатларда мол-мулкка нисбатан инсофли эгалловчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи учта асосий тизим мавжуд:

- битим иштирокчиларига етказилган зиённи суғурта орқали тўлаш (АҚШ);
- зарарни давлат томонидан ушбу мақсадлар учун ташкил этилган махсус жамғарма ҳисобидан қоплаш (Швеция);
- ҳуқуқи бузилган битим иштирокчисига уни расмийлаштирган нотариус тарафидан тўлаш (Франция)³.

Айрим мамлакатларда инсофли эгалловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида торренс тизими амал қилади. Ушбу тизим кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқларни рўйхат-





дан ўтказишни назарда тутати ва бунда кўчмас мулкка доир давлат реестри бенефициар, яъни ҳуқуқ эгаси учун кўчмас мулк объектига нисбатан мулк ҳуқуқини сўзсиз тан олади ва давлат томонидан моддий жиҳатдан кафолатланади⁴. Мулк ҳуқуқини бир шахсдан бошқа шахсга ўтказиш амалга оширилган битимга доир ҳужжатларга асосланиб эмас, балки мулкдорнинг эрк-иродасига асосан бу борадаги реестр ёзувига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали амалга оширилади. Ушбу тизимнинг асосий мақсади кўчмас мулкка доир давлат реестридаги маълумотларнинг ҳақиқийлигини ошириш кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тўлиқ кафолатлаш ҳисобланади. Мазкур тизим умумий ҳуқуқ амал қилувчи мамлакатларда кенг тарқалган.

Шуни қайд этиш жоизки, торренс тизими Австралия, Янги Зеландия, Канаданинг Британия Колумбияси, Алберта, Саскатчеван, Манитоба, Онтарио провинцияларида қўлланилади. Гарчи рўйхатдан ўтказиш қоида ва жараёнлари турлича бўлса-да, қонунчилик бир хил принципларга бўйсунди.

Торренс тизими принциплари:

- рад қилинмаслик;
- ҳуқуқ ва чекловларни рўйхатдан ўтказиш;
- конструктив хабардор қилишнинг бекор қилиниши;
- кафолатлар.

Хулоса сифатида айтиш жоизки, инсофли эгалловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш" таклиф этилади:

- кўчмас мулкни олувчи уни олишда давлат реестридаги маълумотларга таянган бўлса, агар у мол-мулкни тасарруф этишга ҳақли бўлмаган шахсдан унга ўтганлигини билган ёки билиши лозимлиги суд тартибидан исботланмаган бўлса, инсофли эгалловчи (ФКнинг 187 ва 229-моддалари) деб тан олинсин;

- эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат инсофли эгалловчида ашёга нисбатан ошқора эгалик бошланган кундан ўта бошлаши;

- агар уй-жой тасарруфидан чиқиб кетгандан кейин уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳақидаги давлат реестрига дастлабки инсофли эгалловчи ҳақида ёзув киритилган пайтдан бошлаб уч йил муддат ўтган бўлса, суд ФКнинг 213-моддасида назарда тутилган фуқаролик ҳуқуқи субъектининг инсофли эгалловчидан уй-жойни талаб қилиб олиш ҳақидаги сўровини рад этиши.

Мазкур таклифларнинг қонунчиликка киритилиши инсофли эгалловчи ҳамда мулкдорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гиновкер А.М. Проблемы защиты прав добросовестных приобретателей недвижимости. // Имущественные отношения в Российской Федерации. 2009. №6 (93). Б.32.
2. Федеральный закон от 16 декабря 2019 г. N 430-ФЗ "О внесении изменений в часть первую Гражданского кодекса Российской Федерации" // <https://rg.ru/2019/12/19/gk-dok.html>
3. Панкова Е.В. Международный опыт защиты прав добросовестных приобретателей. // Имущественные отношения в Российской Федерации. 2012. №6 (129). Б.95.
4. Бевзенко Р.С. Регистрационный конструктор, или как создать идеальную регистрационную систему? (к русскому переводу работы Р. Торренса). Вестник Гражданского Права №2 2018 год. 204-225-б.

**Ирода ЯКУБОВА,**

Тошкент давлат юридик
университети
Халқаро ҳуқуқ ва инсон
ҳуқуқлари кафедраси
катта ўқитувчиси

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҚАНДАЙ ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ?

Миллий амалиёт ва хорижий тажриба

АННОТАЦИЯ

Илмий мақолада интеллектуал мулк ҳуқуқи ичида фуқаролик-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлган муаллифлик ҳуқуқининг ўрни ва аҳамияти, уни интернет тармоқларида ҳимоя қилиш муаммолари, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқи бўйича олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ўрганилган. Миллий қонунчилик учун илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: муаллифлик ҳуқуқи, интеллектуал мулк, интернет тармоқларида муаллифлик ҳуқуқи, плагиат, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье исследованы роль и значение авторского права, которое нуждается в гражданско-правовой защите в рамках интеллектуального права собственности в национальном законодательстве, проблемы его защиты в сетях Интернета, а также мнения и взгляды ученых-цивилистов по данному вопросу. Были выдвинуты предложения и рекомендации, имеющие практическое значение для национального законодательства.

Ключевые слова: авторское право, интеллектуальная собственность, авторское право в интернет-сетях, плагиат, защита авторских прав.

ANNOTATION

this scientific article examines the role and importance of copyright, which needs civil protection in the framework of intellectual property rights in national legislation, the problems of its protection in the Internet, as well as the opinions and views of civil scientists on this issue. Proposals and recommendations of practical relevance to national legislation were put forward.

Keywords: copyright, intellectual property, copyright in Internet networks, plagiarism, copyright protection.

Халқаро савдо ва глобаллашувнинг фаол кенгайиши шароитида интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган масалалар мунозара ва муҳокамалар мавзуси орасида биринчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда, интеллектуал мулк ҳуқуқи ичида муаллифлик ҳуқуқини фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда ҳимоя қилиш масалаларини ўрганиш долзарбдир. Кўпинча муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммоси муаллифларнинг ўз ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш усуллари ҳақида кам маълумотга эга бўлганлиги сабабли вужудга келади. Кўпгина асарларнинг муаллифлари муаллифлик низолари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга ихтисослашган ва муаллифларнинг манфаатларини ифодалашга тайёр бўлган кўплаб ҳуқуқий идоралар бўлишига қарамаздан, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қаерга ва қандай шаклда мурожаат қилиш кераклигини билишмайди.

Номоддий мулкнинг асосий компоненти – муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар, товар белгилари, ихтиролар, саноат намуналари, селекция ютуқлари каби ҳимояланган объектларни ўз ичига олган интеллектуал мулкдир.

XIX асрнинг охирига келиб, интеллектуал фаолият маҳсуллари тараққиётнинг белгиловчи омилига айланган, халқаро миқёсда илмий-техникавий бозор вужудга келди, турли мамлакатларда бу соҳани тартибга солувчи қонунларни мувофиқлаштириш учун объектив зарурат туғилди[1]. Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни давом эттириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги, “Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномасига

(Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида" - ги қонунлар қабул қилинди. Ушбу халқаро шартномалар интеллектуал мулкка оид муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро талаблар Ўзбекистон томонидан аниқ ва сўзсиз ижро этилишини таъминлашнинг эътирофи бўлиб, адабий ва бадиий асарлар муаллифлари, ижрочилар ва уларнинг фонограммаларни такрорлаш борасидаги ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган.

Миллий қонунчилигимизда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонунда келтирилган бўлиб, унинг объекти фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришларини (турдош ҳуқуқлар) яратиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат[2].

Ушбу қонуннинг 11-моддасига кўра, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисидан фойдаланиши мумкин бўлиб, бу белги асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттирилади ва қуйидаги унсурлардан иборат бўлади: айлана ичидаги лотинча «С» ҳарфи; мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми-шарифи (номи); асар биринчи марта чоп этилган йил. Шунингдек, муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисидан кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда муаллифлик ҳуқуқларининг кенг тарқалган бузилиш ҳолатлари интернет тармоқлари билан боғлиқ. Глобал тармоқ фойдаланувчилари, асосан иккита лагерга бўлинади: баъзилари маълумот, ўйин-кулги ва хизматларни қидиришади, бошқалари эса бу маълумот, ўйин-кулги ва хизматларни тақдим этади[3].

Интернетдаги барча жараёнларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ҳали қабул қилингани йўқ. Таъкидланишича, ҳеч бир давлатда глобал тармоқда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар мавжуд эмас, бу эса фойдаланувчиларга муаллифлик объектларини назоратсиз такрорлаш, нусхалаш ва янада тарқатиш учун жуда кенг имкониятлар яратади. Интернет глобал тармоғини қонун



доираси билан ҳам чеклашнинг деярли иложи йўқ: натижада, тармоқдаги муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши мунтазам ҳодисадир, бу билан курашиш жуда қийин ва баъзан фойдасиз [4].

"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари батафсил келтирилган бўлиб, улардан ташқари, муаллифлик ҳуқуқи бузилган шахс ҳуқуқбузардан маънавий зиён қопланишини талаб қилишга ҳам ҳақлидир. Шунингдек, мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот шахсларнинг бузилган муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, қонунда белгиланган тартибда ўз номидан ариза билан судга мурожаат этиши мумкин.

Ушбу ҳимоя қилиш асосларига қарама-масдан интернет тармоқларидаги муаллифлик ҳуқуқларининг бузилишида суд амалиётининг йўқлиги муаллифларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаби билан судга мурожаат қилишдан қўрқиш, далилларни тўплаш ва далил базасини малакали рўйхатга олиш қобилиятининг йўқ эканлиги, аҳолининг техник ва ҳуқуқий саводхонлигининг етарли эмаслиги ҳамда интернет технологиялари соҳасида ҳуқуқшунослар малакасининг камлиги ва шунга мос равишда бундай қонунларнинг ҳам мавжуд эмаслиги каби сабабларга боғлиқ.

Демак, интернет соҳасини тартибга солишнинг ҳуқуқий муаммоларидан бири муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласидир. Чунки, тармоқдаги фойдала-

нувчиларнинг хатти-ҳаракатлари кўпинча муаллифлар ва уларнинг меросхўрлари ҳуқуқларига таъсир этади.

Интернет тармоқларида муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши билан боғлиқ энг кенг тарқалган муаммо – плагиатлик. Шу асосда бизга илм-фан, адабиёт ёки санъат, видео ёки бошқа асарларнинг асл муаллифларини ажратиш олишимиз ҳам қийинчиликни юзага келтириши мумкин. Истеъмомчи учун ўзига хос ва жозибали нарсаларни яратишдан кўра, бошқаларнинг ёзган матнларини нусхалаш жуда осон[6]. Шунинг учун ҳам кўпинча турли хил интернет ресурсларида биз бир хил ёки жуда ўхшаш маҳсулотни топишимиз мумкин ва ушбу Интернет маҳсулотининг ҳақиқий яратувчиси ким эканлигини аниқлашимиз муаммоли ҳолатдир.

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда ҳеч бир давлатда глобал тармоқлардаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш тўғрисидаги қонунлар мавжуд эмаслиги сабабли фойдаланувчиларга қонун объектларини назоратсиз такрорлаш, нусхалаш ва янада тарқатиш учун жуда кенг имкониятлар яратади. Интернет доирасини қонун ҳужжатлари билан чеклаш деярли мумкин эмас. Бугунги кунда интернет тармоқларида минглаб ҳуқуқбузарликлар (туҳмат, экстремистик фалсият ва бошқалар) ҳам мавжуд. Тармоқдаги муаллифлик ҳуқуқининг бузилишига келсак, улар виртуал ҳаётдан ташқаридаги қонунбузарликлардан деярли фарқ қилмайди: плагиат, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган маълумотларнинг ноқонуний тақсимланиши ва бошқалар.

Плагиатлик бошқа шахснинг адабиёт, санъат ёки фан асарига муаллифлик ҳуқуқини ноқонуний равишда бериш, фуқаролик ва

ҳатто жиноий жавобгарликка олиб келадиган қасддан қилинган ҳаракатларни англатади. Кўпинча, плагиат бошқа одамларнинг интеллектуал меҳнат натижаларига муаллифлик ҳуқуқини уларни ўз номлари билан нашр этиш орқали боғлашда ўз ифодасини топади. Бировнинг ишидан қисман ёки манбага ҳавола қилмасдан фойдаланиш ҳам плагиат доирасига киради[7].

Плагиатлик асосида яратилган асарни нашр этиш шарт эмас, уни бирон бир объектив шаклда, масалан, қўлёзма шаклида ёки бошқа асарнинг бир қисми сифатида топиш кифоя. “Плагиат” тушунчаси жуда аниқ бўлишига қарамай, унинг мазмуни ноаниқ бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат, уни ҳар доим бошқа ўхшаш тушунчалардан ажратиш бўлмайди. Шундай қилиб, ноқонуний фойдаланиш, нусха кўчириш, бошқа шахсларнинг муаллифлик ҳуқуқи материалларини чоп этиш хатти-ҳаракатлари ҳар доим ҳам плагиатлик бўлавермайди. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар муаллифлик ҳуқуқи бузилишининг яна бир тури бўлиб, кўпинча “қароқчилик” деб номланади. Бундай хатти-ҳаракатларга, яъни ушбу кўчирилган ёки ўғирланган асар ёки материалларга муаллифлик ҳуқуқи берилган тақдирдагина, уларни плагиат деб аташ мумкин.

Муаллифнинг маълум бир сюжетдан, иш мавзусидан ёки илмий ғоядан, бошқа шаклда фойдаланилганлиги плагиатлик бўлмаслиги мумкин. Баъзи ғояларнинг бир-бирига ўхшашлиги ҳам плагиатлик деб тан олинмайди, чунки муаллифлар кўпинча ижоднинг ўхшаш натижаларига бир-бирларининг яратган маҳсулотларидан беҳабар равишда, мустақил асосда амалга оширган бўлишлари мумкин.



Плагиатлик дизайннинг ўзига хос тури, янги ишнинг индивидуал шаклини, ташқи асл қобилини ўз ичига олиши керак, уни қўллаган шахс "плагиат" деб аталади. Амалда, "беихтиёр" плагиат деган тушунча ҳам бор. Бошқа биров асарининг номи ва мазмуни билан бир хил асар нашр этиш ёки бошқача тарзда тарқатишни англатади, шунингдек, хато тариқасида ўз шахсий иши деб қабул қилинган бундай иш, асар муаллифининг борлигини билмаслиги ва бу асарга ўз ҳолича эгалик қилиши ва тасарруф этиши ҳам беихтиёр плагиат тоифасига киради. Кўпинча бундай ишлар талабаларнинг бадиий асарлари ва мусиқий асарларида учрайди.

Кўп вазиятларда муаллифлик ҳуқуқининг аксарият эгалари судда ўз ҳуқуқий позициясини тушунтириши ва керакли далилларни тўплаш билан боғлиқ қийинчиликларга дуч келади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан, суд жараёнида ҳар бир томон низога асосланган вазиятларни исботлаши керак, шунинг учун асар муаллифининг асосий вазифаси тармоқдаги муаллифлик ҳуқуқларини бузилганлик фактини исботловчи далилларни тўплашдир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонуний мустаҳкамламасдан илм-фан ва технологияларни жадал ривожлантириш мумкин эмас. Муаллиф ўзининг муаллифлик ҳуқуқларини интернет тармоқларида ҳимоя қилиш учун муаллифлик ҳуқуқларига эга эканлигини тушуниши ва ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланишни билиши, муаллифларга ёрдам бера оладиган малакали мутахассисларнинг ҳуқуқий ёрдамларидан тўғри фойдаланишни билиши, ҳуқуқ эгаси дунё бўйлаб қароқчилик даражаси жуда катта эканлигини тушуниши ва баъзан муаллиф бутун муаллифлик ишини дунё веб-сайтларига юкламаслиги лозимлигини тушуниши керак. Муаллифлик ҳуқуқи эгаси томонидан асардан фойдаланаётганда, асарга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишда виждонийлик ҳам катта аҳамиятга эга.

Тадқиқотдан хулоса қилишимиз мумкинки, ҳозирги пайтда интернетда фан, адабиёт ва санъат асарларига фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ҳақиқатан ҳам самарали усуллари етарли эмас, ҳозирги пайтда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиниши билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларига амал қилишдан кўра қонунни айланиб ўтиш ҳолатлари жуда кўп учрамоқда.

Интернетда содир бўлаётган жараёнларни бошқариш асосан Интернетнинг экстерриториал факторлари билан боғлиқдир.



Шунга қарамай, муаллифлик ҳуқуқи эгаси қонунчиликдаги муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари тўғри қўллаган ҳолда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин.

Сўнгги йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар баъзи камчиликларни ва бўшлиқларни бартараф этганлигига қарамай, муаллифлик ҳуқуқи ҳали ҳам такомиллаштирилишга муҳтож. Шу жумладан, Интернетда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича янги қоидаларни киритиш масаласи ўрганилиши керак. Фан ва техниканинг ривожланиши муаллифлик ҳуқуқини қонуний мустаҳкамламасдан туриб амалга оширилмайди. Муаллифлик ҳуқуқи эгалари, уларнинг фойдаланувчилари ва воситачиларининг манфаатлари ўртасида нозик мувозанатни топиш халқаро ҳамжамият ҳал қиладиган асосий вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О.Оқолов. Интеллектуал мулк ҳуқуқи.//И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. Тошкент, 2005 йил, -Б-9.
2. Ўзбекистон Республикаси "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар" тўғрисидаги қонуни.
3. Бузанов В. Ю. Авторское право: saga о сроках // Журнал российского права. 2014. № 6. С. 73-81.
4. Гаврилов Э. П. Оригинальность как критерий охраны объектов авторским правом // Российская библиотека интеллектуальной собственности; URL: <http://www.rbis.su/article.php?article=434> (дата обращения: 23.03.2017).
5. Ўзбекистон Республикаси "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар" тўғрисидаги қонуни.
6. Baimoldina Svetlana Malikovna. Concept of legal protection of intellectual property rights // Procedia - Social and Behavioral Sciences 176 (2015) 998 – 1004.
7. Gaetano DIMITA. Copyright and Shared Networking Technologies// A Thesis Submitted for the Degree of Doctor of Philosophy Queen Mary, University of London 2010.



Хуршид ТУРСУНОВ,
Сурхондарё вилояти,
Шеробод туманлараро
иқтисодий суди раиси

ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

“Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вақцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз.”

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Жамиятимиз равнақи учун астойдил меҳнат қилаётган инсонлар билан фахрланишимиз керак. Лекин, айрим кимсалар борки, тўқликка шўхлик қилиб, ўз вазифаларини суиистеъмол қилган ҳолда, тараққий этиб келаётган давлатимиз мулкига раҳна солаётганликлари ачинарли ҳолдир. Ана шундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида суд тизимида коррупциянинг олдини олиш ва уни бартараф этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали коррупция билан боғлиқ жуда кўплаб жиноятларни кўришимиз мумкин. Коррупция ўзи нима? Уни кимлар амалга оширади? Коррупция қандай вужудга келади? – деган саволлар бугун барчани бирдек ўйлантираётган муаммоли, ўз ўрнида оғриқли саволлардан бири.

Коррупция – мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят тури ҳисобланади. Коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан биридир. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида халқдан пора

олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритиш тушунилади. Аммо, умуман олганда, давлат амалдорларигина эмас, балки давлат ташкилотида ишламайдиган фуқаролар ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчиси бўлиши, пул эмас, бошқа нарса эвазига маълум хизматни амалга оширишлари мумкин. Этимологик жиҳатдан “коррупция” атамаси “бузиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолиятдир.

Мамлакатимизда коррупция билан боғлиқ қилмишларга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари кўпроқ амалдаги Жиноят кодексининг қатор моддаларида ўз ифодасини топган.

Мазкур моддаларга кўра, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, сохта тадбиркорлик, сохта банкрот-

**Одамлар суратини
безатса, сен сийратингни бега. Одамлар
боиқалар айбидан сўз очса, сен
ўз қусурингни ўйла.**

**Жалолиддин
РУМИЙ**





лик, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ёки унинг доирасидан четга чиқиш, мансаб сохтакорлиги, пора олиш, пора бериш, пора олди-бердисидида воситачилик қилиш, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, контрабанда каби коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизими яратилди. Ислохотларни амалга ошириш давомида миллий қонунларга халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларини сингдиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни коррупцияга қарши курашдаги муносабатларни тартибга солиш борасида дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қонун асосида бугунги кунда мамлакатимизда жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилмоқда, фош этилган коррупция билан боғлиқ жиноятни содир этган шахслар қаттиқ жазоланмоқда. Мамлакат ичидаги жиноятчилик доимо давлат томонидан қаттиқ назоратга олинган. Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига ва коррупция домига илинган амалдорларнинг бебошликка

йўл қўймаслиги учун қатор узоқ муддатли чора-тадбирлар йўлга қўйилганки, ўз ўрнида улар жиноятчиликка қарши кураш стратегиямизни қатъий белгилаб беради. Бу йўналишда қонунчиликни янада такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Бугун коррупцияга қарши курашишга фақат ҳуқуқий воситалар билангина эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Бу иллатга қарши курашда нафақат давлат органлари, балки жамият ва умуман барча фуқароларимиз масъулдирлар. Давлат ва жамият идоралари, жамоатчилик ташкилотлари коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашда биргаликда ҳаракат қилса, бу бирдамлик, албатта ўз самарасини беради.

Мамлакатни ислоҳ қилишда бугунги кунда олдимизда турган асосий вази-фалардан бири коррупция, порахўрлик, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш, таъмагирлик каби иллатларнинг олдини олиш ва бу каби иллатларга қарши кескин курашишдир. Зеро, ҳалол меҳнат қилиб, рўзғор тебратган, ўз билими ва иқтидорини она Ватан равнақи йўлида сарфлаётган, ислохотлар самарадорлигига ҳисса қўшаётган юртдошларимиз ҳамма вақт қадрланиб келган. Бундай инсонлар ҳаётда тўғри яшаб, коррупция деб аталган қабих иллатга қарши курашиш орқали нафақат жамият ҳаётимизнинг, балки, фарзандларимизнинг ҳам ёруғ келажагини таъминлашга ҳисса қўшаётганликларини яхши англаб етишлари зарур.



Гулрух МАМАРАИМОВА,
ТДЮУ Фуқаролик
процессуал ва иқтисодий
процессуал ҳуқуқи
кафедраси катта
ўқитувчиси

ТОВАР БЕЛГИЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ: ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада товар белгисининг мерос бўлиб ўтиши муаммолари таҳлил қилинган ҳамда бевосита мазкур муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунларга таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, домен номи, мерос, васиятнома.

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется проблема наследования товарного знака. Были разработаны предложения для законодательства, направленные на легализацию отношений с унаследованными средствами индивидуализации.

Ключевые слова: знак обслуживания, исключительных прав, наследование, завещание.

ANNOTATION

This article analyzes the problem on inheritance of trademark. Suggestions were developed for legislation related to inherited means of individualization.

Keywords: trademark, exclusive right, inheritance, will.

Фуқаролик ҳуқуқининг олдида турган вазифалардан бири бу интеллектуал мулк объектларининг, шу жумладан, товар белгисига бўлган ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши масалаларини тартибга солиш ҳисобланади.

Товар белгиларига бўлган интеллектуал ҳуқуқларнинг мерос масалалари тадқиқ қилинишининг долзарблиги бугунги кунда мазкур воситаларнинг иқтисодий қиймати билан ҳам бевосита боғлиқ. Мисол учун биргина Apple брендининг қиймати 205,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилса, Google брендининг қиймати 167,7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади¹. Қолаверса, мазкур воситаларнинг фуқаролик муомаласидаги сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда бутун дунё бўйича товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун 12 395 700 талабнома берилган бўлса, 2018 йилда эса 14 321 800 талабнома берилган². Шу сабабли ҳам товар белгиси, жумладан ушбу шахсийлаштириш воситасининг мерос бўлиб ўтиши билан боғлиқ муаммоларни таҳлил этиш ва уларга ечимлар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Товар белгиларини мерос бўлиб ўтиши масалаларини мамлакатимизда О. Оқюлов ва З. Бобоқуловлар илмий жиҳатдан ўрганиб чиқишган, халқаро миқёсда В. Дозарцев³, П. Баттахов⁴, В. Костиков⁵, К. Рождественская⁶, Н. Савченко⁷, М. Мельникова ва В. Савина⁸, А. Bertrand, Y. Marcellin, J. Gilson, D. Kelly ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам ўрганилган.

Товар белгиларининг мерос масаласи бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири. Ушбу индивидуаллаштириш воситасининг мерос бўлиб ўтиши ва ўтмаслиги тўғрисидаги баҳслар ханузгача ўз якунига етмаган. Айрим олимлар товар белгиларининг мерос бўлишини истисно қилишса, кўплаб мутахассислар унинг мерос бўлиб ўтишини эътироф этишади. Товар белгисининг ворислик асосида ўтишини эътироф этувчиларнинг сони давр ўтиши билан кўпайиб бормоқда.

М. Мельникова ва В. Савинанинг фикрига кўра фирма номлари мерос бўлиб ўтмайди⁹. Ҳақиқатдан Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1474-моддаси иккинчи қисмига қарайдиган бўлса, Россия Федерацияси юрисдикцияси доирасида фирма номларининг бегоналаштирилиши тақиқланган¹⁰. Бироқ, шунга қарамасдан кўплаб рус олимлари товар белгиларининг мерос бўлиб ўтишини эътироф этишади. Хусусан, Н.С.Савченко товар белгисининг



мерос бўлиб ўтиши бўйича Россия қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилган. Унга кўра товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқ мерос бўлиб қоладиган бўлса, меросхўр уни мерос очилганидан сўнг бир йил ичида эгаллаши лозим. Шунингдек, вoрис товар белгисини мерос сифатида қабул қилиши учун у якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс бўлиши лозим¹¹. Биз ҳам Н.Савченко фикрларига қўшилаемиз. Сабаби, товар белгисига доир гувоҳноманинг ёки товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши, унинг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан тугатилади¹². Шу сабабли ҳам товар белгисига нисбатан меросни эгаллашнинг муддати белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Қолаверса, товар белгисининг эгаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъект бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасига кўра, товар белгиси бир юридик ё жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ёки жисмоний шахснинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгиларидир. Мазкур нормадан келиб чиқсак, товар белгисини мерос объекти сифатида қабул қилаётган вoрис якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс, фаолият юритувчи деҳқон хўжалиги ёки оилавий корхона бўлиши мумкин. Товар белгиси мерос бўлиб ўтишининг юқоридаги ҳуқуқий жиҳатлари қонунчиликда эътиборга олиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Товар белгисининг мерос масаласи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номи тўғрисида"ги Қонун ҳамда бошқа норматив

ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Товар белгисига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши (ФК 1105-моддаси) тўғрисидаги нормаларни таҳлил қилар эканмиз уларнинг ёки уларга бўлган ҳуқуқнинг мерос бўлиб ўтиши тўғрисида қоидалар мавжуд эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Товар белгиси ва унга бўлган ҳуқуқнинг мерос бўлиб ўтиши қонунчиликда аниқ кўрсатилмаганлиги, уларнинг мерос бўлиб ўтишини истисно қиладими деган ўринли саволни вужудга келтиради. Йўқ албатта, фуқаронинг вафоти унинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ташқари бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бекор бўлишига олиб келмайди. Яъни, ҳуқуқ эгаси вафот этса-да, ҳуқуқлар бекор бўлмайди. Мисол учун, мулк эгаси вафот этгани мазкур мулкка бўлган ҳуқуқларнинг бекор бўлишига асос бўлмайди. Балки, бу ҳуқуқларга нисбатан вoрисликнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Худди шунингдек, товар белгиси ва унга бўлган ҳуқуқ эгаларининг вафот этиши мазкур восита ва унга бўлган интеллектуал ҳуқуқларнинг тугатилишига сабаб бўлмайди. Аксинча, уларнинг вoрислик асосида бошқа шахсларга ўтишига асос бўлади. Яъни, мазкур объектнинг мерос бўлиб ўтиши қонунда аниқ кўрсатилмаганлиги унинг мерос бўлиб ўтишини истисно этмайди.

Товар белгисининг вoрислик асосида бошқа шахсларга ўтиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган махсус нормаларнинг йўқлиги унинг мерос бўлиб ўтишини истисно қилмас экан, бу муносабатларни қайси нормалар билан тартибга солиш лозим. Бундай ҳолларда мазкур муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг вoрислик ва интеллектуал мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсларга ўтказилиши билан боғлиқ умумий нормалардан фойдаланамиз. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1035-моддасида

интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасининг мутлақ ҳуқуқлари мерос бўлиб ўтиши белгиланган. Мутлақ ҳуқуқларга тўхталадиган бўлсак, товар белгиси, маълумки, интеллектуал фаолият натижаси эмас, бироқ биз уни интеллектуал мулк объектларига тенглаштирган ҳолда мазкур режимда ҳуқуқий тартибга соламиз. О.Оқюловнинг фикрига кўра, интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларини бирлаштирувчи ҳолат шуки, уларнинг ҳар иккисига нисбатан ҳам ҳуқуқ соҳибларининг мутлақ ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалар амал қилади¹³.

Мутлақ ҳуқуқлар Фуқаролик кодексининг 1034-моддасида белгилаб қўйилган. Унга кўра интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади. Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг рухсати билан йўл қўйилади. Интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли ва агар ушбу Кодекс ва бошқа қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли¹⁴. Мазкур нормага асосан, товар белгисининг ҳуқуқӣ муҳофазаси мутлақ ҳуқуқлар режими орқали амалга оширилади.

Моддий объектларга нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар тизимида мулк ҳуқуқи қандай асо-

сий роль ўйнаса, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар тизимида мутлақ ҳуқуқлар ҳам худди шундай функцияни бажаради. Мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқлар конструкцияси муайян умумийликка эга. Унга кўра мулк ҳуқуқи ёки мутлақ ҳуқуқ эгаси мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқига эга¹⁵.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг умумий қоидаларига кўра товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтиши мумкин. Товар белгиси Фуқаролик кодексининг 1031-моддасига, асосан интеллектуал мулк объекти ҳисобланади. Бироқ, умумий қоидалар билан товар белгиларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши масалаларини тўлиқ ҳал этишнинг имкони йўқ. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб биз қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сураимиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1105-моддаси биринчи қисми қуйидаги мазмунда қайта таҳрир қилиниши лозим: Гувоҳномада кўрсатилган товарлар, ишлар ва хизматларнинг барча гуруҳларига ёки бир қисмига нисбатан товар белгисига бўлган ҳуқуқни унинг эгаси шартнома асосида бошқа шахсга бериши мумкин. *Шунингдек, бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс — ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқӣ ворислик тартибидан ўтади.*

Иккинчидан, юқоридаги таклиф инобатга олинadиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1145-моддаси ҳам қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилиши лозим. 1145-модда. Умумий қоидалар. Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни



ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

Қонунда айрим турдаги объектларни мерос сифатида эгаллаш муддатлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қуйидаги мазмундаги 1105¹-модда билан тўлдирилиши лозим. 1105¹-модда. *Товар белгисига бўлган ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши. Товар белгиси мутлақ эгаси ёки шартнома асосида товар белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси вафот этган тақдирда мазкур ҳуқуқлар васият ёки қонун бўйича мерос бўлиб ўтади. Бунда мерос очилган вақтдан бошлаб бир йил ичида товар белгисига бўлган ҳуқуқлар мерос сифатида қабул қилиниши лозим.*

Товар белгисига нисбатан ҳуқуқлар мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик тузилган болалари, агар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган тақдирда васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, юқоридаги таклиф инобатга олинган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1118-моддаси ҳам қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилиши ва амалдаги иккинчи қисм тегишинча учинчи қисм деб ўқилиши лозимлигини таклиф этамиз.

1118-модда. Меросхўрлар.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик тузилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Қонунда айрим турдаги объектларни мерос сифатида эгаллаш учун меросхўрга нисбатан қўшимча талаблар белгиланиши мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. The World's most valuable brands in 2019 // <https://www.forbes.com/powerful-brands/list/#tab:rank>
2. Мировые показатели деятельности в области интеллектуальной собственности: в 2018 году число заявок на регистрацию патентов, товарных знаков и промышленных образцов достигло рекордных уровней // https://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2019/article_0012.html
3. Дозорцев В.А. Интеллектуальные права: Понятие. Система. Задачи кодификации: сборник статей // Исследовательский центр частного права. – Москва, 2005. – С. 416с.
4. Баттахов П.П. Право интеллектуальной собственности в предпринимательстве: проблемы теории и практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Москва, 2016. – С. 8, 12-13, 25-27, 42-46.
5. Костиков В.В. Наследование интеллектуальных прав. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва, 2017. – С. 217с.
6. Рождественская К.Ю. Особенности наследования авторских прав. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва, 2013. – С. 193с.
7. Савченко Н.С. К Вопросу о наследовании интеллектуальных прав. Вестник ЮУрГУ. Серия "Право", 2014, том 14, № 2. – Челябинск, 2014. – С. 79-82с.
8. Мельникова М.П., Савина В.С. Проблемы наследования интеллектуальных прав на результаты творческой деятельности и приравненные к ним объекты. – Москва, 2017. Юридические науки. – С. 182-187.
9. Мельникова М.П., Савина В.С. Проблемы наследования интеллектуальных прав на результаты творческой деятельности и приравненные к ним объекты. – Москва, 2017. Юридические науки. – С. 185.
10. Гражданский кодекс Российской Федерации (от 18.12.2006 N 230-ФЗ (ред. от 18.07.2019). // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_64629
11. Савченко Н.С. К Вопросу о наследовании интеллектуальных прав. Вестник ЮУрГУ. Серия "Право", 2014, том 14, № 2. – Челябинск, 2014. – С. 79 с.
12. Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида" - ги Қонуни 25-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 178-модда
13. О.Оқюлов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. 3-жилд. – Тошкент, Baqtria Press, 2013. –Б. 369.
14. Товар белгиси индивидуаллаштириш воситаси ҳисобланади (ЎЗР ФК 1034-модда).
15. О.Оқюлов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. 3-жилд. – Тошкент, Baqtria Press, 2013. –Б. 378-379.



**Махсуда
ДУСМАТОВА,**
Самарқанд шаҳар
иқтисодий
суди судьяси

МЕДИАЦИЯ – ТАРАФЛАРНИНГ ИХТИЁРИЙЛИГИГА АСОСЛАНГАН КОНФИДЕНЦИАЛ ЖАРАЁН



**Мавлудaxon
УММАТОВА,**
Риштон
туманлараро
иқтисодий суди
судьяси

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг босқич-ма-босқич ислоҳ этилиши, суд орқали ҳимояланиш кафолатларининг кучайтирилиши ва улардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида фуқаро ва ташилотларнинг судларга мурожаатлари сони ортиб бормоқда. Судларга мурожаатларнинг ортиб бориши судьялар иш юкламасининг кўпайишига сабаб бўлаётган омиллардан биридир.

Судьяларнинг иш ҳажмини камайтириш орқали судлов самарадорлиги ва сифатини оширишнинг муҳим усулларидан бири фуқаролик-ҳуқуқий низоларни судга қадар ҳал этишнинг муқобил усулларини ривожлантиришдир. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни судгача ҳал этиш механизмини белгиловчи медиация, яъни махсус воситачи — медиатор иштирокида низолашувчи тарафларни суддан ташқари тартибда яраштириш усуллари ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида узоқ йиллардан бери қўлланиб келинади.

Медиация тушунчасига тўхталадиган бўлсак, у латинча «mediare» сўзидан олинган бўлиб, «воситачилик қилиш» деган маънони англатади. Шу сабабли халқаро муомалада медиация «воситачилик», «яраштириш мақсадида аралашув» маъноларида қўлланади. Медиациянинг мақсади – низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали шартлар асосида ҳал этиш имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, унинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бета-рафлик, медиаторнинг холислиги, махфийлик кабилар киради. Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқдир. Медиаторлар далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, аксинча, уларнинг асосий вазифаси – тарафлар ўртасида бир-бирларини тушунишга, тарафлар учун мақбул шартларда муаммони ҳал этиш имкониятларини из-

лаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборат. Медиация — мажбурий кучга эга бўлмаган, тарафларнинг ихтиёрийлигига асосланган конфиденциал жараён. У низолашаётган тарафларнинг ихтиёрига кўра танлаб олинган бетараф учинчи шахснинг воситачилигида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низони ўзаро муро- — ярашув йўли билан ҳуқуқий асосда ҳал этиш жараёнидир. Шу ўринда медиатор – низони мазмунан ҳал қилиш ваколатига эга бўлмаган, тарафларни медиация таомиллари орқали низони ҳал қилишга даъват қиладиган мустақил ва холис шахс ҳисобланади.

«Медиация тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик-ҳуқуқий низоларни судга қадар ҳал этишнинг муқобил усулларидан бири ҳисобланган медиация институтини жорий этишни кўзда тутди. Ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқий тизимида низони судгача олиб бормасдан, муқобил йўл билан ҳал қилишга қаратилган медиация — яраштирув жараёни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қонунда унинг амал қилиш соҳаси ҳам аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, қонун фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган, шунингдек, яқка меҳнат низолари ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан амал қилиши белгиланди.

Мамлакатимиздаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг навбатдаги босқичи мақсадида ҳам медиаторлар иштирокида низоларни муқобил ҳал этиш усулларининг ривожла-

нишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Медиация жараёнларининг тўғри ташкил этилиши тарафлар низолашишини тўхтатиб, яқинлашиш процесси томон йўналтиради, яъни ярашув битимини тузишга имкон яради. Ушбу афзалликлар амалиётга медиация институтини киритиш, муқобил йўллар ёрдамида низоларни судгача ҳал қилиш тартибини кенг татбиқ қилиш вақти келди, деб ҳисоблашга асослар етарли эканлигини кўрсатади. Қонуннинг мақсади ҳам низоларни тартибга солишнинг муқобил усулларини ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишдан, суд тизимида иш ҳажмини камайтиришдан иборат.

Медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича тарафлар келиб чиққан низо хусусида ўзаро мақбул қарорга эришган тақдирда, тарафлар ўртасида ёзма шаклда медиатив келишув тузилади. Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Медиатив келишув бажарилмаслигининг оқибатлари тарафлар томонидан ушбу битимнинг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин. Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда, тарафлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга, тарафлар медиацияни қўллашдан унинг исталган босқичида воз кечишга ҳақли. Медиация тартиб-таомили низо хусусида тарафларнинг ҳамкорлиги асосида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида амалга оширилади. Медиация тартиб-таомилини амалга оширишда медиатор мустақил, унинг фаолиятига бирор-бир тарзда аралашшга йўл қўйилмайди. Медиатор ҳолис бўлиши, медиация тартиб-таомилини тарафларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириши ва медиацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаши, тарафлар ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратиши керак. Медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиация тартиб-таомилини амалга оширишдан воз кечиши керак. Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёки муайян низолар медиация тартиб-таомилини амалга ошириш йўли билан ҳал этилиши кераклиги ҳақидаги қоида бўлиши лозим.

Медиацияни қўллаш тўғрисидаги келишувда низо предмети, медиация тартиб-та-



омилини амалга ошириш тартиби, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларда тарафларнинг иштирок этиш шартлари, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш муддатлари ҳақидаги маълумотлар бўлиши мумкин. Судда иш қўзғатилганидан кейин медиация тартиб-таомилини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари процессуал қонун ҳужжатларида белгиланади. Суд муҳокамаси, нисбати ваколатли давлат органида кўриш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув тегишли иш қайси суд ёки ваколатли давлат органининг иш юритишида турган бўлса, дарҳол ўша судга ёки ваколатли давлат органига юборилади. Низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим. Медиатив келишув уни тузган тарафлар учун мажбурий кучга эга бўлиб, ушбу келишув унда назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тарафлар томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Медиатив келишув бажарилмаган тақдирда тарафлар ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини сўраб судга мурожаат этишга ҳақли. Медиатив келишув бажарилмаслигининг оқибатлари тарафлар томонидан ушбу келишувнинг ўзида белгилаб қўйилиши мумкин. Медиация тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



**Шухрат
НУРИДДИНОВ,**
Судьялар олий
мактаби Жиноят
ҳуқуқи кафедраси
кабинет мудири

ЖИНОЯТ ИШИ ЮРИТУВИДА СУДЛАР ВАКОЛАТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ



**Беҳзод
МУМИНОВ,**
Судьялар олий
мактаби
доценти

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари бугунги кунда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар процессуал фаолиятининг мақсади, мазмуни ва шаклини белгилувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жиноят иш юритувининг талабига инсоннинг ҳуқуқлари мослаштирилиши эмас, балки аксинча процессуал қонунчилик максимал даражада инсон ҳуқуқларига мувофиқлаштирилиши керак. Мазкур қоида устувор бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ёндашувларининг моҳиятини акс эттиради.

Жиноят ишлари юритувида суднинг мавқеини юксалтириш, унинг ваколат доирасини кенгайтиришга қаратилган саъий-ҳаракатлар, пировардида, жиноят процессининг судга қадар босқичларида суд назорати шакллари татбиқ этилишига олиб келди. Хусусан, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини, лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Бу эса, ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг қонуний, асосланган ва адолатли ҳолда амалга оширилишига ижобий таъсир кўрсатди. Жиноят процессининг барча иштирокчилари турлича позицияларда бўлсаларда, жиноят ишининг тез, сансалорликка йўл қўймай тергов қилиниши ва судда кўриб чиқилишидан бирдек манфаатдордирлар.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14-моддаси учинчи қисми, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясининг 6-моддаси учинчи қисмига мувофиқ жиноят содир этилишида айбланаётган шахснинг асоссиз кечиктиришсиз судланишга бўлган ҳуқуқи адолатнинг асосий кафолатларидан бирини ифодалайди¹. Жиноятларни тергов қилиш судга қадар амалга оширилиб, ушбу жараён судга ҳақиқатни аниқлашда кўмаклашиш учун далилларни тўплаш ва сақлашга қаратилган. Пировардида, иш бўйича тергов натижаларига ҳолис баҳо бериш суд томонидан амалга оширилади. Амалдаги жиноят-процессуал кодексига биноан, судья жиноят ишини айблов ҳулосаси билан ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор билан қабул қилиб олгач, иш судга келиб тушганидан бошлаб етти суткадан кечиктирмай судда кўриш учун тайинлаши лозим. Бу борада судья бир қатор муҳим масалаларни ҳал этмоғи шарт: *биринчидан*, иш мазкур суд судловига тегишлими; *иккинчидан*, ишни тугатиш

ёки тўхтатиш учун сабаб бўладиган ҳолатлар йўқми; *учинчидан*, ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун асослар етарлими; *тўртинчидан*, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида Жиноят-процессуал кодекси талабларига риоя қилинганми; *бешинчидан*, айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми; *олтинчидан*, жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зарарнинг қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганми; ва *еттинчидан*, айблов ҳулосаси Жиноят-процессуал кодекси талабларига риоя қилинган ҳолда тузилганми? Ушбу барча муҳим масалалар ҳозирда судьянинг яқка ўзи томонидан прокурор, жабрланувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари қатнашувисиз ҳал қилинмоқда. Бунда эса ўз ўрнида тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклашга олиб келиш хавфи мавжуд. Фикримизча, суд ушбу масалаларни тортишув шароитида, ишни дастлабки суд муҳокамаси тартибида прокурорнинг ва бошқа тарафларнинг иштирокида ҳал қилса, бу жиноят ишлари юритувининг янада демократлашувига олиб келади. Судья, албатта, тарафларнинг фикрларини ўрганиши ва инобатга олиши, эътирозлар мавжуд бўлган ҳолларда ўзининг қарорини асослантириши зарур. Лекин, бунда судья мутлақо мустақилдир ва ҳеч кимнинг фикри билан чегараланмаган. Кўрсатилган масалалар бўйича судьянинг ажримлари устидан юқори турувчи судга шикоят келтириш мумкин, бу эса, ўз ўрнида, уларнинг қонунийлиги ва асослилигини кафолатлайди.

Судья жиноят ишини ўрганиб, жиноят ишини юритиш тўхтатилган ёки тугатилган ҳолларда айбланувчининг яширинганлиги сабабли унга қидирув эълон қилиш зарурати асосидагина тергов органларига топшириқ бериши мумкин. Барча бошқа ҳолатларда ҳам (эҳтиёт чораси нотўғри қўлланилганда, суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ҳамда айблов ҳулосасини тузишда Жиноят-процессуал кодекси талабларига риоя қилинмаганда,

жиноят оқибатида етказилган мулкый зарарнинг қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаганда) қонун ишни прокурорга қайтаришни кўзда тутмайди. Ушбу тергов ҳаракатларини суд муҳокамасининг ўзида ҳам тўлиқ амалга ошириш имкони мавжуд. Назаримизда, бундай ҳолатларда, бевосита суднинг ўзи томонидан дастлабки терговнинг нуқсонлари бартараф этилиши, судланувчининг айбини тасдиқловчи далиллар етарли бўлмаган ҳолларда эса оқлов ҳукмини чиқариш мақсадга мувофиқдир. Дастлабки терговни тўлдириш ва жиноят-процессуал қонуни нормаларининг бузилиши оқибатларини бартараф қилиш имкониятига ишончсизлик билан қараш ярамайди. Қолаверса, нафақат дастлабки тергов органлари, балки суднинг ўзи ҳам бундай имкониятларга тўлиқ эгадир. Далилларни тўлдириш ва жиноят-процессуал қонуни талабларини бузиш оқибатларини бартараф қилиш мақсадида бундай имкониятлардан фойдаланиш йўллари ва воситаларини ахтариш шубҳасиз муҳим вазифалардандир.

Қонунда жиноят-процессуал кодекси нормалари жиддий бузилишларининг аниқ рўйхати белгиланмаган. ЖПКнинг 487-моддасида назарда тутилган 10 турдаги жиддий бузилишлар ишни қўшимча терговга қайтариш учун эмас, балки ҳукми бекор қилиш учун асос ҳисобланади. Мазкур модданинг тўртинчи бандида “дастлабки тергов тамомланганидан сўнг айбланувчи ишдаги барча материаллар билан таништирилмаган ва бу қоидабузарлик ҳукм чиқарган суд томонидан бартараф этилмаганлиги” ҳолати назарда тутилган. Бундан келиб чиқадики, дастлабки терговнинг ушбу нуқсони суд томонидан бартараф этилиши зарур. Айнан ана шу модданинг саккизинчи бандида ҳукмнинг бекор бўлиши асоси сифатида қонунга кўра ҳимоячининг иштироки шарт бўлса-да, иш унинг иштирокисиз тергов қилинганлиги ҳолати кўрсатилган. Бундай ҳолларда ҳимоячининг иштирокисиз тергов ва суд муҳокамасининг олиб борилганлиги сабабли оқлов ҳукми бекор қилиниши мумкин эмас. Зеро, бунда судланувчининг ҳуқуқларини жиддий равишда бузиш сабабига таяниб оқлов ҳукмининг бекор қилинишига йўл қўйилмаслик тўғрисидаги қоида амал қилиши зарур. Суд ишда мавжуд бўлган далилларни етарли эмас ёки шубҳали деб топган ҳолатларда ҳам оқлов ҳукми чиқарилиши мақсадга мувофиқ. Қолаверса, судланувчи ўзининг айбини тасдиқловчи далиллар тақдим этишга мажбур эмас. Шунинг учун ҳам унга айбловга қарши ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқи таъминланиши зарур. Шу мақсадда тарафлар уларга далиллар тўплаш ва ўз эътирозларини асослантириш имкониятини бериш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак. Суд эса, ўз навбатида, бу каби илтимосномаларни қондириб, далиллар тўплаш учун зарур бўлган муддатда суд мажлисини тўхтатиб туриши лозим. Суднинг мазкур ҳолатдаги қарори ҳеч бир шахснинг ҳуқуқига, шу қаторда судланувчининг ҳам ҳимоя-



ланиш ҳуқуқига путур етказмайди. Қатор давлатларда, хусусан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова ва Беларусда суд томонидан жиноят ишини суд муҳокамасида кўриш учун тайинлаш босқичини амалга ошириш борасидаги уларнинг тажрибаси алоҳида эътиборга моликдир.

Хусусан, хорижий қонунчиликни тартибга солиш амалиёти биринчи инстанция суди суриштирув ва дастлабки тергов давомида йўл қўйилган процессуал қонун бузилишлар ва нуқсонлар оқибатларини бартараф этиш учун етарли имкониятларга эга эканлигидан далолат беради. Ушбу мақсадда суд:

- процессуал талаблар бузилган ҳолда олинган далилларни номақбул деб топиши;
- амалга оширилишида процессуал бузилишларга йўл қўйилган процессуал, шу жумладан тергов ҳаракатларини такроран ўтказиши;
- тарафларга далилларни қўшимча равишда тўплаш ва уларни текшириш, ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ҳажмда фойдаланиши: раддия билдириш, илтимоснома, эътироз ва қўшимча далиллар тақдим этиш имкониятини бериши;
- давлат айбловчисига ишнинг айрим ҳолатларини аниқлашни таклиф қилиши ҳамда суриштирув ва тергов органларининг кучи ва воситаларидан фойдаланиб, бунинг учун зарур бўлган тергов ҳаракатларини амалга ошириши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида суднинг ваколатларини кенгайтириш жиноят процессининг айбсизлик презумпцияси, одил судловга тўсиқларсиз мурожаат қилиш ҳуқуқи ва ниҳоят, тортишув каби муҳим тамойилларининг амалда таъминланишига хизмат қилади. Бу эса, ўз ўрнида, Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ва либерализация қилишнинг энг долзарб вазифаларидан бўлмиш суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамланишини, суднинг ваколат доирасини кенгайтиришни ва жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг тўла амалга оширилишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиёт:

1. А.Саидов. Узбекистан и международные договора по правам человека. Т., «Адолат». – 1998. С. 46.



**Дилнавоз
БЕКМАТОВА,**
Судьялар олий
мактаби
магистранти

ТУФИЛГАНЛИКНИ ҚАЙД ЭТИШ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Мамлакатимиз қонунчилигига асосан фуқаролик ҳолати далолатномалари, яъни фуқаролар ҳаётидаги туғилганлик, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралош, ўлим каби воқеа ва фактлар тўғрисидаги ҳужжатлар ФХДЁ органлари томонидан қайд этилади. Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар ҳисобланиб, бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

Мазкур ҳужжатларнинг бир нусхаси ФХДЁ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб 75 йил мобайнида сақланади. Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактлар юқорида санаб ўтилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали акс эттирилади. Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, бу ҳолат бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан бевосита ёки Давлат хизматлари марказлари орқали амалга оширилади. Жараён ота-оналар томонидан бола туғилган кундан бошлаб бир ой муддат мобайнида қайд этилиши зарур. Боланинг туғилишини қайд этиш учун ота-она ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса қариндошлар, қўшнилари ёки ота-она ёхуд ота-онадан бири ваколат берган бошқа шахслар, шунингдек тиббиёт муассасаларининг, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг мансабдор шахслари мурожаат этишлари мумкин.

Белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлиги туғилганликнинг қайд этилишига тўсқинлик қила олмайди, бироқ, мазкур ҳолат амалиётда жуда катта муаммоларни келтириб чиқаради. Натижада оворагарчиликлар, асаб бузилиш ҳолатлари юзага келади. Сабаби, туғилганлик фактини белгилаш учун бир ойлик муддат мобайнида мурожаат қилинса фақат бола туғилганлиги ҳақидаги тиббиёт муассасасининг маълумотномаси, ота-онанинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва никоҳ қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома тақдим этилади. Аксинча, белгиланган муддатдан сўнг мурожаат қилинган тақдирда эса қўшимча ҳужжатларнинг тақдим этилиши зарурати туғилади. Мазкур ҳужжатларга боланинг тирик ва соғлом эканлиги тўғрисида тиббиёт муассасасининг маълумотномаси, бола мактабгача таълим муассасаси ёхуд мактабга қабул қилинган бўлса, ушбу муассасаларга топширилган ҳужжатлар тўғрисида маълумотнома, боланинг ота-онаси яшаган ва боланинг туғилган жойидаги тегишли вилоят ФХДЁ архивларининг болага туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилмаганлиги, яъни болага туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилмаганлиги ҳақидаги маълумотномалар қўшилади. Боланинг ота-онаси бошқа республикада рўйхатда турган ёки бола бошқа вилоятда, бошқа республикада туғилиб, айрим сабабларга кўра туғилганлик ҳақида гувоҳномаси олинмаган бўлса, тегишли вилоят ФХДЁ архивларидан жавоб хатларининг келиб ту-

шиш муддати чўзилиб кетади. Натижада болани яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйишда, ҳаттоки, ота-онанинг иш жойидан ёхуд улар ишламайдиган бўлса, тегишли туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимидан суюнчи пули берилишида муаммолар юзага келади. Суюнчи пулини бола туғилган кундан бошлаб олти ой муддатгача олиш мумкин. Лекин юқорида баён этилган ҳужжатларнинг келиб тушиш муддати баъзан олти ойдан ошиб кетишига эътибор қаратсак, фуқаролар фарзандига тегишли маблағни олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиш ҳолатлари юзага келади. Бундай вазиятлар фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлади.

Боланинг туғилганлик фактини ўз вақтида расмийлаштирмасликнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин. Мисол тариқасида ота-онанинг ўртасида никоҳ қайд қилинмаганлиги, ота-она шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг мавжуд эмаслиги, фарзанднинг онанинг қонуний никоҳда турган фуқародан эмас, балки бошқа шахсдан туғилганлиги, эҳтиётсизлик оқибатида тиббий маълумотноманинг йўқолиб қолиш ҳоллари ва бошқа сабабларни келтиришимиз мумкин. Ота-оналардан бирининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаган алоҳида ҳолларда ФХДЁ органи туғилганликни қайд этишни рад этиши мумкин эмас. Бунда ҳужжатлари бўлмаган ота ёки она ҳақидаги маълумотлар никоҳ тузилганлиги ёки аввалги фарзандларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалари асосида кўрсатилади. Бироқ айрим ҳолларда ота-она ўртасида никоҳ қайд қилинмаган бўлади ёки туғилган фарзанд биринчиси бўлиб ҳисобланади.

Амалиётда кўп учрайдиган муаммолардан яна бири онанинг никоҳда турган шахсдан эмас, балки бошқа фуқародан фарзанд кўришидир. Бундай ҳолда фарзанд кўрган аёлнинг никоҳда турган эри фарзанд унинг фарзанди эмаслиги ҳақида ариза ёзиб бериши лозим бўлади. Туғилганлик ҳақида тиббий маълумотнома йўқолиб қолган ҳолларда, агар бола Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса, уни сўраб олиш қийинчилик туғдирмайди. Аммо, бола бошқа Республикада туғилган бўлса, уни талаб қилиш учун кўпроқ муддат кетади. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир ота-она фарзанди туғилганидан кейин унинг туғилганлик фактини расмийлаштиришга бефарқ бўлмаслиги, ҳужжатни ўз вақтида расмийлаштириши, вақтида никоҳдан ўтиши, йўқолган ҳужжатларни дарҳол тиклаши лозим. Шундагина юқоридаги каби муаммолар юзага келмайди.

ШЕЪРЛАРИДА ЯШАР ЭНДИ...

*Эй дўст, умр охири шу кез бўлдим,
Видолашув шунчалик тез келдим?
Тоғу тошлар, сор бургутлар сўрар бугун,
Қани дея, бизни суйган АЗИМ СУЮН?
Зилол чашма қошида тек қотди кийик,
Дўстлар бари боши эгик, дили куйик...*



Бугун орамиздан боқий дунёга рихлат қилган Азим Суюн (Оллоҳ раҳматига олган бўлсин) билан ғойибона ашъорлари орқали қарийб қирқ йил бевосита яқин ҳамсухбат бўлганимни, у кишидаги соддалик ва чўнг самимиятни, одамларга бўлган чексиз меҳрни эслааб ўтирибман... Азим аканинг улкан эҳтирос ила, кўксини тўлдириб, “Э-эх-е, шундами-ей-а! Воҳ-воҳ!” – демиш фақат ўзигагина ярашиқли ҳайқириги қулогимда жаранглагандай бўлаверади...

Ҳа, Азим ака ҳамма нарсаса катта ҳайрат билан қарар, ҳамма нарсадан буюк ҳикмат туяр ва ана шу ҳайратлари шеърларига кўчар эди. Шу меҳрга қоришиқ ҳайратлари У кишининг бутун ҳаётий чизгиларини, умр дафтарининг зарварақларини чиройли тарзда беади ҳамда ана шу ҳайратлари боис элу халқига ажойиб ижод намуналари битилган тўхфа қолдириб кетди. Азим аканинг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бирор марта бўлсин, бошқалар ҳақида ёмон фикр билдирган ёки кимдандир ёзғириб гапирганлигини эшитмаганмиз. Мабодо даврада ўзига ёқмайдиган бирор гап гапирилгудек бўлса, фақат ўзига хос тарздагина бургут қараш қилиб, хурпайиб жим бўлиб қолар, бу ҳам фақатгина Азим Суюнга хос қараш ва бургутсимон хурпайиш эди.

Ҳа, Азим Суюн бургут монанд яшаб ўтди. У кўп нарсаса (дунёнинг ишларига) жуда баланд нуқтадан қарай билди. Оқибатда оддий майсадан ҳам ёки сувда ётган кичик бир тошдан ҳам ҳикмат топа билди. Азим Суюн, кўнгил одами эди. Янги китоблари чоп этилгач, ўша заҳотиёқ, каминага ҳам ал-

батта, инжа дастхати ила илинар ва баҳонада бирор шеърини ўқиб бериб, “ажойиб, зўр чиқибди” деган эътирофимиздан хурсанд бўлиб, болаларча завқланарди. Уни таниган, билганлар, ҳамсухбат бўлганлар яхши билардики, у киши тоғдек, ҳақиқатдан ҳам улкан бир тоғдек забардаст инсон эди. У кишидан ўша ўзи васф этган — андиз ўсган тоғлар нафаси, бепоён қир-адирларнинг мусаффо ҳавоси уфуриб турарди.

Мен шундай бағри кенг, садоқатли дўст бўла оладиган буюк Инсон билан бир заминда туғилганимдан, ҳамсухбат бўлганимдан, шеърларини ўзидан, ўзига хос бир оҳангда эшитишга муяссар бўлганимдан, замондош бўлиб яшаганимдан жуда ҳам фахрланаман.

Ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири, адабиёт гулшанида ўз ўрнига ва овозига эга истеъдодли шоир — АЗИМ СУЮН “ўлгани” йўқ! У энди шеърларида, оиласи ва яқинлари қалбида, дўстлари ва мухлислари ёдида мангу яшайди!

Эй дўст!

Тақдир қилмас ҳеч кимсага фитна-ўйин,

Банда борки қисматиға эгар бўйин.

Келмоқнинг кетмоғи бор — дунё шудир,

Шеърларида яшар энди АЗИМ СУЮН!

Холмўмин ЁДГОРОВ



Акмал РАЗИКОВ,
Фуқаролик ишлари
бўйича Фарғона вилояти
Ўзбекистон туманлараро
суди судьяси

НИКОҲ ШАРТНОМАСИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг давлат ва жамият муҳофазасида эканлиги назарда тутилган бўлса, оила аъзоларининг шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, никоҳ шартномасига оид қоидалар Оила кодексига белгиланган. Ушбу мақолада оила мулкчининг муҳофазасига қаратилган никоҳ шартномаси ва унинг қонунчилигимизга киритилиши ҳамда тавсифи ҳақида кенгроқ тўхталмоқчимиз.

Оила кодексининг VI-боби эр-хотин мол-мулкнинг шартномавий тартибига бағишланган. Никоҳ шартномаси никоҳланувчи шахсларнинг, яъни эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкый ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувидир (Оила Кодексининг 29-моддаси). Эндиликда қонуний (расмий) мулк тартиби билан бирга мулкнинг шартномавий тартибига ҳам ўрин берилди. Яъни, эр-хотин ўзларининг мол-мулкига, унинг айрим турларига ёки эр-хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақли эканликлари белгиланди.

Алоҳида эгалик қилиш тартиби эр-хотиннинг барча мулкига, унинг айрим турларига, эр-хотиндан ҳар бирининг мулкига нисбатан белгиланиши мумкин. Никоҳ шартномасида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар маълум муддат билан чекланиши, масалан, беш йил давомида уларнинг мулки бўлинган бўлиши, ундан сўнг умумий бўлиши назарда тутилиши ёхуд ҳеч қандай муддат билан чекланмаслиги мумкин. Фуқаролик-ҳуқуқий шартномалардан бири сифатида никоҳ шартномаси шакли, мазмуни жиҳатидан битимларга қўйиладиган умумий талабларига жавоб бериши, ёзма тарзда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Уни тасдиқлаганда, ўзгартириш киритилганда ёки бекор қилинганда давлат божи ундирилмайди. Шартнома никоҳ қайд этилишидан аввал ёки қайд этилганидан кейин исталган вақтда тузилиши мумкин; никоҳгача тузилган бўлса, никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан, никоҳдаги эр-хотин томонидан тузилган бўлса, шартнома нотариал тасдиқланган кундан кучга киради. Никоҳланувчилар шартнома тузганидан кейин қачон никоҳ тузишлари лозимлиги белгиланма-

ган. Бироқ, шартнома қачон тузилганидан қатъи назар, фақат никоҳ қайд этилгач, кучга киради. Шартнома тузилгани, унга ўзгартиришлар киритилгани ёки бекор қилингани ҳақида эр (хотин) ўз кредиторларини хабардор қилиши лозим.

Никоҳ шартномасининг предмети эр-хотиннинг мулкый муносабатларидир. Никоҳ тугатилгандаги мулкый муносабатлар бундан мустасно. Шахсий номулкий муносабатлар шартнома предмети бўла олмайди. Айрим давлатлар қонунчилигида никоҳ шартномалари мулкый масалалардан ташқари, эр-хотиннинг келишувига кўра, бошқа шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳам тартибга солиши белгиланган. Масалан, ким идиш-товоқларни ювиши, дўконга бориши, ўзини оилада қандай тутиши, хиёнат қилган тарафга қандай чоралар қўлланиши, хуллас, шахсий муносабатларга доир масалалар ҳам шартномага киритилиши мумкин. Никоҳ шартномасининг объекти эр-хотиннинг никоҳгача ва никоҳ даврида орттирган мулклари ҳамда уларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини ўз ичига олади. Эр-хотиннинг мулкый муносабатлари Оила кодекси нормалари билан тартибга солинади.

Шартноманинг субъектлари никоҳланувчилар ёки никоҳда турган эр-хотин бўлиши мумкин, холос. Шартнома вакиллар орқали тузилмайди, тарафлар тўла муомала лаёқатига эга бўлишлари, шартномани шахсан имзолашлари шарт. Эмансипация туфайли тўла муомала лаёқатига эга деб эълон қилинганлар ҳам шартнома туза оладилар. Бироқ вояга етмаган никоҳланувчи шартнома тузишга ҳақли эмас. Никоҳ шартномаси тузиш эр-хотин ёки никоҳланувчиларнинг ҳуқуқи бўлиб, уларнинг эркин ва ихтиёрий келишувига асосланади. Ҳеч ким уни тузишга мажбур қилинмайди. Шартноманинг мазмунида унинг ўзига хослиги кўринади. ОКнинг 31-моддасига



кўра, эр-хотин: биргаликдаги умумий мулкнинг қонунда белгиланган тартибини ўзгартиришга; мол-мулкка нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгалик тартибини ўрнатишга; ўзларига тегишли бўлган ёки келгусида олинадиган мол-мулкнинг ҳуқуқий табиатини белгилашга ҳақли.

Маълумки, никоҳ даврида қилинган совғалар эрнинг ёки хотиннинг мулки бўлиб, биргаликдаги умумий мулк таркибига кирмайди. Лекин, амалиётда кўпинча тўйдаги совғаларни умумий мулк таркибига киритишда низо чиқади. ОКнинг 26-моддасига кўра, қимматбаҳо буюмлар ва зеб-зийнатлардан ташқари, шахсан фойдаланилган буюмлар, гарчи никоҳ даврида эр-хотиннинг умумий маблағига олинган бўлса-да, улардан фойдаланиб келган эр ёки хотиннинг хусусий мулкидир. Масалан, никоҳ даврида олинган тақинчоқлар никоҳ даврида ва никоҳдан ажралган тақдирда ундан фойдаланиб келган эр ёки хотиннинг мулки ҳисобланади.

Никоҳ шартномасини тузишда қуйидаги чеклашларга амал қилинади:

- шартномага эр-хотиннинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чекловчи қоидалар киритилмайди (эр хотинни ишдан бўшаб уй ишлари билан машғул бўлиши шарт, деган талаб қўйиши, васият эркинлигини тақиқловчи, судга мурожаат қилиш ҳуқуқини чекловчи қоидалар);

- шахсий муносабатлар ҳақидаги қоидалар киритилмайди. Бироқ мулкий муносабатлар номулкий шарт-шароитнинг содир бўлиш-бўлмаслигига боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин. Масалан, эр ё хотин ўзини нолўйқ тутган (хиянат, калтаклаш) ҳолларда маънавий зиённи қоплаши ёки фарзанд туғилса, эр хотинга қимматбаҳо узук ёки мўйнали пальто совға қилиш мажбурияти назарда тутилиши мумкин;

- шартномада фарзандларга муносабат, ажралган тақдирда болаларнинг ким билан қолиши, алимент ундириш масалалари киритилмайди;

- меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр-хотиннинг таъминот олиш ҳуқуқини чеклаш мумкин эмас. Чунки бу ОК тамойилларига зиддир. Никоҳ шартномаси кўпинча муддатсиз тузилади. Маълум вақт ўтгач ёки исталган вақтда эр-хотин келишиб, унга ўзгартириш киритишлари, уни бекор қилишлари мумкин. Уни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Одатда, тарафлардан бири маълум сабабга кўра шартномани бажаролмаса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш таклиф этилиши керак. Келишув орқали шартнома нотариал тартибда, акс ҳолда, суд орқали бекор қилинади.

Шартнома шартлари бир томонлама бузилаётганини ёки тузилган пайтдаги шартлар бутунлай ўзгариб кетганлигини асос қилиб, уни суд орқали бекор этишни талаб қилиш мумкин. Шартнома суд орқали ўзгартирилгач, суд қарори кучга киргандан сўнг ўзгартирилган ҳисобланади. Никоҳ шартномаси никоҳ ажратилганлиги ҳақида суднинг қарори кучга киргач ёки ФХДЁда ажралиш қайд этилгач тугатилади. Никоҳ шартномасининг ҳақиқий эмас деб топилишига унинг қонун талабларига риоя қилмай тузилганлиги асос бўлади. Ҳақиқий эмас деб топилганда никоҳ шартномаси ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат туғдирмайди ва тарафлар мулкий муносабатда дастлабки ҳолатга қайтадилар.

Никоҳ шартномасининг афзаллиги шундаки, у мулкий муносабатларни тартибга солиш орқали оилани мустаҳкамлайди, эр-хотинни бир-бирига тегишли мулкдан тўғри фойдаланишга ва уни яхши сақлашга, мулкий мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга ундайди. Дарҳақиқат, суд орқали мулкни бўлишдек кўнгилсиз тортишувларни бошидан кечирганлар никоҳ шартномаси зарурлигини тасдиқламоқдалар. Бу борада ҳуқуқий тарғиботнинг кучайтирилиши, никоҳланувчиларнинг никоҳ шартномалари қоидалари билан таништирилиши келгусида никоҳ шартномаларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади.



Бехзодбек ТУРДИЕВ,
Судьялар олий мактаби
магистранти

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТУВДА ЖАМОАТЧИЛИК ИНСТИТУТИ ИШТИРОКИ

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш Концепциясида назарда тутилган жиноят ишлари бўйича иш юритувда жамоатчилик иштироки институтини кучайтириш истиқболлари бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимига ишончини янада ошириш мақсадида аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, суд-ҳуқуқ тизimini очиқлигини таъминлаш, ушбу соҳанинг асосий устувор йўналиши этиб белгилангани ҳам бежиз эмас.

Жиноят ишлари бўйича иш юритувда жамоатчилик иштироки институтини алоҳида мавқега эга бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда, уларнинг ҳуқуқий онгини оширишда, жамиятда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда, уларни содир этган шахсларга нисбатан эса адолатли жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишида жуда катта имкониятларни тақдим этади.

Жамоатчилик институтининг иштирокини кучайтириш жиноят процессининг демократик асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда, суд-ҳуқуқ тизимида коррупциявий ҳолатларнинг келиб чиқишига тўсқинлик қилишда муҳим аҳамият касб

этади. Шу билан бирга содир этилган жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортиш сифати ва самарадорлигини ошириш, жиноят процессининг жиноятларнинг олдини олиш бўйича вазифаларини бажаришда, жиноят ишларида ҳақиқатни аниқлашни таъминлашда, одил судлов сифати ва самарадорлигини ҳамда фуқароларнинг судга бўлган ишончини, ҳурматини оширишда, шунингдек жиноят ишларини юритишда халқаро одил судлов стандартларини амалга оширишда қўл келади.

Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича иш юритув соҳасида жамоатчилик иштироки институтини имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш орқали халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёт кечиришларини таъминлашни, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, шахс ҳуқуқ ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш руҳини шакллантириш имкониятини яратди, мамлакатда қонун устуворлигини, суд-ҳуқуқ тизими идоралари фаолияти ошқоралигини таъминлашга эришилади, натижада фуқароларнинг давлат бошқарув идоралари ва суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончи янада мустаҳкамланади.

Шу сабабли жиноят ишларини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар жамоатчилик институтини имкониятларидан тўлақонли фойдаланишлари зарур, шунда жамоатчилик уларнинг иштироки мамлакатдаги демократия ва унинг намояндаларидан бири эканлигини англайдилар. Бундай муносабат фуқароларда ҳуқуқий онг ва қонунларга сўзсиз роя қилиш ҳиссини оширишни таъминлайди.



Жиноят ишларини юретишда айбланувчиларга, судланувчиларга, процессда иштирок этаётган бошқа фуқароларга, уларнинг иштирокчиларига огоҳлантирувчи ва тарбиявий таъсирини кучайтириш учун замин яратади. “Иши” жамоатчилик иштирокида кўриб чиқиладиган шахс яна бирор қилмишга қўл уриши эҳтимоли янаям пасаяди, қолаверса жамоатчилик иштироки том маънода унга ҳаётий дарс ҳам ҳисобланади. Рус олими А.А.Тарасовнинг фикрича, жиноят ишларини юретишда жамоатчиликнинг иштироки адолатли таъминлайди, уни оддий жамоатчилик хизматидан муҳим жамоат вазифасига айлантиради¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 40-моддасига мувофиқ, жамоат бирлашмалари ва жамоалар, уларнинг раҳбар органлари ҳамда вакиллари содир этилган ёки тайёрланаётган жиноят тўғрисидаги хабар билан суриштирув органига, терговчига, прокурорга ёки судга мурожаат этишлари мумкин. Улар: айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чораси сифатида жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллигига беришни танлаш; маҳкумни муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш; озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини ўзгартириш; судланганликни олиб ташлаш ҳақида ва бошқа масалалар бўйича Жиноят-процессуал кодексда назарда тутилган ҳолларда ҳамда тартибда илтимос қилишга ҳақлидирлар.

Албатта, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд-ҳуқуқ тизими идоралари томонидан жиноятчиликка қарши курашиш, жиноят содир этган шахсларнинг ахлоқини тузатиш ишлари бўйича олиб бориладиган барча фаолиятлар, ташаббуслар фуқаролар учун очиқ, аниқ ва тушунарли бўлиши, жамиятнинг қўллаб-қувватланишига таяниши лозим. Агар жамоатчилик томонидан ушбу фаолият ва ташаббуслар етарли даражада қўллаб-қувватланмаса, жиноятчиликнинг авж олишига, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади.

Президентимиз томонидан “Халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади. Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганмоқда. Аини вақтда жамоатчилик на-



зорати “бир томонлама восита”га айланиб қолмаслиги керак”² деб бежиз таъкидланмаган. Жамоатчилик институтининг жиноят ишлари бўйича иш юритувда иштироки нақадар аҳамиятга эга эканлигини биргина мисол орқали кўришимиз мумкин.

2017-2018 йиллар давомида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси билан биргаликдаги қўшма кўрсатмага мувофиқ, биргина 2019 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафиллиги асосида 1.373 нафар шахсга, Хотин-қизлар кўмиталарининг кафиллиги асосида 210 нафар хотин-қизларга, Ёшлар иттифоқининг кафиллиги асосида 270 нафар ёшларга, яъни қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазолар ўрнига бошқа енгилроқ жазолар қўлланилган³. Бу эса, кафилликка олинган шахс томонидан янги жиноят содир этишлигининг олдини олиш, уни жамиятга қайтаришдаги муҳим қадамдир.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 21-моддаси 1-қисмига кўра, жиноят ишлари бўйича тергов олиб бориш ва ишни судда кўриш чоғида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилган ҳолатларни аниқлаб олиши, айбдорларни қидириш ва фош этиш, адолатли ҳукм чиқариш, шунингдек, жиноятнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлаш учун ўз ваколатлари доирасида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишга ҳақлидирлар.

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

Нозимжон ЭГАМОВ, Фуқаролик ишлари бўйича
Марғилон туманлараро судининг судьяси:



Мен 2020 йил 2-14 март кунлари Судьялар олий мактабида ўтказилган малака ошириш курсида ўқиб, кўпгина янгиликлар билан танишдим, янги ҳуқуқий билимлар олдим.

Олий мактаб томонидан судьяларга ҳозирги кунда судья лавозимида ишлаб турган, тажрибали судьяларнинг маъруза ўқиш учун таклиф этилганлиги менга маъқул келди. Хусусан, Фуқаролик ишлари

бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси Х.Қурбанованинг ҳозирги кундаги суд амалиётидаги муаммолари вазиятларни ўзининг иш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тушунтириши, суд амалиётида учрайдиган низоли ҳолатларни қонуний ва адолатли ҳал қилиш учун кўрсатган йўл-йўриқлари биз каби тажрибаси ҳали етарли бўлмаган, биринчи муддатда судьялик лавозимида ишлаётган суд тизими ходимлари учун ижобий натижаларни бериши шубҳасиз.

Бундан ташқари, малака ошириш жараёнида тажрибали психолог Ш.Исакованинг ҳам маърузалари биз учун қизиқарли бўлди. Чунки, бевосита суд процесси, умуман иш жараёни миз турли ёш ва тоифадаги фуқаролар, ҳар хил кайфиятдаги суд процесси иштирокчилари билан олиб бориладиган мулоқотлар асосида кечади. Ҳар қандай вазиятда судья ўзини йўқотмаслиги, суд процесси иштирокчилари психологиясини ҳам ўрганиши лозим. Шунда қарор қабул қилишда хатоликларга йўл қўйилмайди. Иш жараёнидаги турли босимларни, чарчоқ, стрессларни енгиб ўтишда, ақлий меҳнат қобилиятининг тикланишида, вақтни тўғри тақсимлашда психологик омилларнинг ўрни муҳим деб ҳисоблайман. Ушбу ўринда малака ошириш курсларида психология фани курси соатларини ва тажрибали мутахассислар маърузаларини янада кўпайтиришни таклиф қилган бўлардим.

Ҳозирги кунда судьялар фаолиятидаги очиклик, ошқоралик ва шаффофликни таъминлаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, айни пайтдаги фан-технология ривожланган бир даврда судья ва суд тизими ходимларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги жуда яхши йўлга қўйилган бўлиши лозим.

